Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 64 (20.032) • 1988 йил 18 март, жума • Баҳоси 3 тийин.

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

БИЗ БУ УЧРАШУВЛАРНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМИЗ

М. С. Горбачевнинг Югославияда бўлиши

БЕЛГРАД, 16 март. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун бу ерда Белграднинг Эсдалик олтин медалини М. С. Горбачевга топшириш маросими бўлди. Белград шаҳри Скупшчинасининг раиси **А. Бакочевич** шаҳар аҳолиси, унинг раҳбарлари номидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини самимий табриклади. Халқларимиз дўстлиги, уларнинг маънавий алоқалари олис ўтмишга бориб тақалади, деди у. Югославия халқлари бу анъаналарни ривожлантирмоқдалар. Бизнинг бир қанча энг кўркам кўча ва хиёбонларимиз мамлакатингизнинг машҳур кишилари — Пушкин, Тургенев, Чехов, маршаллардан Жуков, Бирюзов, Толбухин номлари билан аталганлиги халқимизнинг Совет Иттифоқига нисбатан эзгу муносабатда эканлигидан далолат беради. Марказий проспектлар ва хиёбонларга Ленин, Октябрь революцияси, Қизил Армия номлари берилган.

Ёдгорлик қабристонини зиёрат қилган вақтингизда Белградни озод қилиш кунларида Югославия жангчилари билан бирга ҳалок бўлган қизил аскарлар хотирасини белградликлар нақадар эҳтиёт қилаётганликларини ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қила олдингиз. Халқимиз биргаликдаги кураш тўғрисидаги бу хотирани мангу асрайди.

Муҳтарам ўртоқ Горбачев, кунларнинг бирида сиз социализм ғояларини ҳимоя қилишимиз ва инсонпарварликка хилоф бўлган ҳамма нарсадан ўзимизни халос этишимиз керак, социализм халқнинг жуда катта ижодий кучларини уйғотади ва шахснинг маънавий камол топишини таъминлайди, деган эдингиз. Сизнинг фаолиятингиз айни мана шуни бажаришга қаратилганлигини таъкидламоқчиман. Сизга олтин медалнинг топширилиши — хизматларингиз эътироф этилганлигининг белгисидир.

М. С. Горбачев жавоб нутқида бундай деди: аввало Эсдалик медали топширилганлиги учун астойдил миннатдорчилигимни изҳор этаман. Сизларга ва сизлар орқали Белград аҳолисига ташаккур билдираман.

М. С. Горбачев ЮСФР Скупшчинасида нутқ сўзламоқда.

Э. ПЕСОВ ва В. КУЗЬМИН телефотоси (ТАСС).

Белграднинг тарихи ҳақиқатан ҳам катта ва жўшқин тарихдир. Озодлик сари жуда зўр интилиш белградликларга ҳамиша хос бўлиб келганлигини биламан, бу эса шу тарихнинг энг муҳим жиҳатидир. Биз белградлик киши сиймосида инсон қадр-қиммати, мустақиллиги учун кураш рамзини кўрамиз. Шу боисдан ҳам мен Эсдалик олтин медалини шу қадар ҳаяжон билан қабул қилиб оляпман. Ҳозирги Белград — замонавий шаҳар бўлиб, унда тарих анъаналари ҳам сақланиб қолмоқда.

Биз Югославия халқи билан дўстликни жуда қадрлаймиз. Совет кишилари учун бу дўстлик ҳамиша бузилмасдир. Москва ва Белград меҳнаткашларининг дўстлиги бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланиб боришига ишончингиз комил бўлаверсин. Фурсатдан фойдаланиб, шаҳарга тобора равнақ, унинг аҳолисига эса омон-эсонлик ва бахт-саодат тилайман.

М. С. Горбачев шаҳар делегациясига СССР халқ рассоми З. К. Церетелининг «Москва» панносини Белградга совға қилиб топширди.

* * *

Шу куни М. С. Горбачев Белграднинг эски шаҳар қисми бўйлаб сайр қилди. Ўн минглаб шаҳарликлар совет раҳбари билан учрашиш учун кўчаларга чиқишди. Улар М. С. Горбачевни қизғин қарсаклар билан, «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Яшасин Ленин партияси!», «Қайта қуриш — жуда қойил!», «Биз Сиз билан учрашувларни ҳеч қачон унутмаймиз, ўртоқ Горбачев!» деган хитоб сўзлари билан олқишлаб турдилар.

М. С. Горбачев москваликлардан, барча совет кишиларидан белградликларга салом топширди. У белградликлар билан иккала мамлакат дўстлиги, амалий ҳамкорлиги хайрли самаралар бераётганлиги, одамларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётганлиги тўғрисида гаплашди. Совет Иттифоқи халқлари ҳам, Югославия халқлари ҳам дўстликни ривожлантиришга, ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришга интилаётганликлари ҳам жуда создир.

* * *

Кунинг иккинчи ярмида Бош секретарь, Земун-Полледаги маккажўхори институтига борди. У олимлар ва мутахассислар билан учрашди, уларнинг маккажўхори дурагайларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлари билан танишди.

* * *

М. С. Горбачев Югославия Скупшчинасининг раҳбарлари билан, унинг иккала палатаси — парламентнинг навбатдаги мажлисига йиғилган иттифоқ вечеси ҳамда республикалар ва ўлкалар вечеси делегатлари билан учрашди.

Залда ЮСФР Президиумининг раиси Л. Мойсев, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг раиси Б. Крунич, Югославиянинг бошқа раҳбарлари бор эдилар.

Югославия Социалистик Федератив Республикаси иттифоқ вечеси билан республикалар ва ўлкалар вечесининг қўшма мажлисини ЮСФР Скупшчинасининг раиси М. Рожич очди.

Мажлисда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Унинг нутқи қарсаклар билан бўлиниб турди.

М. С. Горбачевга ЮСФР Скупшчинасининг Эсдалик медали топширилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари РСФСР халқ рассоми М. И. Самсоновнинг «Белграднинг озод қилиниши» картинасини ЮСФР Скупшчинасига тортиқ қилди.

* * *

М. С. Горбачевнинг Сербия Социалистик Республикаси раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Учрашувда республика Президиумининг раиси П. Грачанин, Сербия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети Президиумининг раиси С. Милошевич қатнашдилар.

Сербия Республикаси Президиуми билан Коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг Президиуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шарафига зиёфат бердилар.

ЛЮБЛЯНА, 16 март. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун М. С. Горбачев Югославиянинг Любляна шаҳрига келди. Аэродромда совет раҳбарини ва унинг рафиқасини Словения Социалистик Республикаси Президиумининг раиси Франце Попит, Словения Коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг раиси Милан Кучан ўз рафиқалари билан, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

А. БЕЛИКОВ,
А. КОНДРАШОВ,
Г. ШИШКИН.

СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

БЕЛГРАД, 16 март. (ТАСС махсус мухбирлари). Сешанба куни Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Югославия раҳбарлари билан музокаралари давом эттирилди.

ЮКС Марказий Комитети Президиумининг раиси Б. Крунич М. С. Горбачевга мурожаат этиб, Югославия коммунистлари, барча меҳнаткашлари Совет мамлакати турмушидаги тарихий бурилишни, СССРнинг халқаро майдондаги тинчликсевар ташаббусларини алоҳида эътибор билан кузатиб бораётганликларини айтди.

Биз қайта қуришда қардош совет халқига муваффақиятлар тилаймиз, қайта қуриш жамиятнинг ижодий имкониятларини, моддий ва маънавий потенциалини жуда тўлиқ намоён этиш имконини беради. Бу эса социализмнинг обрў-эътиборини ва жозибадорлигини оширишда ўзига хос катта аҳамиятга эга бўлур эди.

М. С. Горбачев самимий сўзлар учун, Югославия диёрида шодиёна кутиб олинганлиги учун ташаккур билдириб, югославиялик ўртоқлар билан музокаралар ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга, уни янги, яна ҳам юқорироқ поғонага кўтаришга бўлган ҳар иккала томоннинг ҳоҳишини тасдиқламоқда, деди. Бизнинг муносабатларимиз, деб давом қилди у, бир вақтлар мушкул синовлардан ўтган эди. Биз улардан сабоқлар чиқариб олиб, принципларни шакллантирдикки, Совет — Югославия ҳамкорлиги ана шу принциплар асосида мустаҳкамланди, янги сифат касб этди. Келишиб олинган декларация яна ҳам кенгроқ миқёсда ҳаракат қилишимизга имкон беради.

Миқёслардаги, миллий хусусиятлардаги ва конкрет шароитлардаги барча тафовутларга қарамай, СССР билан ЮСФР умуман ўхшаш вазифаларни ҳал этаётганликлари таъкидланди. Сиёсий системанинг ишлаш билан боғлиқ масалалар комплекси ана шу вазифаларнинг энг муҳимларидан биридир. Таркиб топган тартиботларни ўзгартириш тўғрисида гап бораётгани йўқ, албатта. Гап шундаки, бу тартиботларга, таъбир жоиз бўлса, янги куч бағишлаш, энг оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлмиш Советларнинг роли ва таъсирини ошириш зарур. Уларнинг фаолиятини қайта қурмай туриб, бюрократизмга узил-кесил барҳам беришни, ижтимоий турмуш ва социал жараёнларни авж олришни тасаввур қилиш қийин. Бу соҳа инсон омилини улуғлаш билан ғоят бевосита боғлангандир.

Бунда кўп нарса партияга, сиёсий йўл ва назарий ишланмаларни шакллантиришга, мустаҳкам ҳуқуқий негизни яратишга боғлиқ.

Социализмни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида партия вазифаларини идрок этиш, унинг иш методларини янгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. М. С. Горбачев сиёсий авангард сифатида, мамлакатларимиздаги меҳнаткашларнинг ҳамма қатламларини, барча миллат ва элатларни бирлаштирувчи омил сифатида партиянинг ролини ленинча тушунишнинг жуда катта аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Турмуш партияларарО ҳамкорликка нисбатан янги талабларни ўртага қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари сиёсий даражадаги мулоқотнинг жўшқинлиги, мунтазамлилигини қайд этиб, мана шуларнинг ҳаммасини яна ҳам кўпроқ собитқадам, сермазмун, бир-бирини бойитувчи мулоқотга айлантириш тўғрисида ўйлаб кўрадиган вақт келганлигини айтди. Биз кенг кўламдаги мулоқотдан манфаатдормиз, бу мулоқот шунчаки бир маросим руҳида бўлмай, балки жонли, амалий руҳда бўлиши керак, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Ишни партия илмий муассасалари йўли билан ҳамкорликни кенгайтириш сари дадилроқ олиб бориш, назарий муаммоларни ишлаб чиқишга, тажрибани биргаликда умумлаштиришга киришиш лозим.

Югославия раҳбари КПСС билан ЮКС ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳволига берилган баҳоса ва уни яна чуқурлаштириш имкониятларига қўшилди. Барқарор негизда ва қўшма ҳужжатларда, келишиб олинган. Совет — Югославия декларациясида қайд этилган принциплар асосида партияларарО алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантиришга тайёрлик таъкидланди. Мулоқот, шу жумладан жаҳон сиёсатининг Шимол—Жануб муносабатлари каби ўткир масалалари, ривожланаётган мамлакатларнинг қарздорлиги, уларнинг технология жиҳатидан қарамлиги проблемаси юзасидан мулоқотнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

М. С. Горбачев ҳам шу мавзуни давом эттириб, социалистик мамлакатлар технология соҳасида сакраш қилиш, «импорт вабоси» деб аталмиш иллатдан халос бўлиш ҳамда фан ва техниканинг илғор марраларига чиқиб олиш манфаатлари йўлида ўз куч-ғайратларини бирлаштиришдек ҳаётий заурат олдида турганликларини айтди.

Б. Крунич ҳозир Югославия жамияти дуч келаётган ва ҳал қилаётган мураккаб проблемалар тўғрисида муфассал сўзлаб берди. У мазкур проблемаларнинг ўткирлиги социалистик ўзинийўзи бошқаришни ривожлантиришдан иборат бош йўлни даргумон қилиб қўймайди, деди. ЮКС конференцияси муҳокамасига қўйиладиган масалалар тўғрисида совет раҳбарига ахборот берди. Централизм ва ноцентрализм нисбати масалалари юзасидан ҳамжиҳатлик руҳи билан суғорилган жонли мулоқот авж олиб кетди. Бу борада юзага келадиган муаммоларни биргаликда чуқур таҳлил этиш муҳим, деб топилди.

Барча тинчликсевар кучларнинг ҳамкорлиги масалалари юзасидан фикрлашувлар суҳбатда талайгина ўрин олди. Партиялар ва ҳаракатлар намояндаларининг Москвадаги учрашуви шу жиҳатдан туб бурилишни бошлаб берганлиги қайд этиб ўтилди. Совет ва Югославия раҳбарлари ана шу учрашув ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемалари юзасидан, аввало қуролланиш пойгасига, ҳарбий хавфга қарши, инсониятнинг омон қолиши учун курашда прогрессив кучлар бирграликда ҳаракат қилишга интилаётганлиги мустаҳкамланиб бораётганлигини тасдиқлаганини уқтирдилар. Айни вақтда бу жараён осонликча ривожланиб бормаётганлиги, давримизнинг янги реалликларини чуқур идрок этиш, умуминсоний манфаатлар устунлигини англаш талаб этилиши тўғрисида гапирилди.

Ҳар иккала томон музокараларга хос бўлган чинакам партиявий рўй-рослик, ошкоралик муҳитидан мамнуният билдирди. М. С. Горбачев билан Б. Крунич эркин мулоқотни ривожлантиришга, социалистик қурилишнинг турли масалалари юзасидан кенг жабҳада тажриба алмашишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Суҳбатда: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси И. С. Силаев, бошқа расмий кишилар; Югославия томонидан — ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари М. Орландич, М. Реновица, В. Тупурковский, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг ижрочи секретари С. Стоянович ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

А. БЕЛИКОВ,
А. КОНДРАШОВ,
Г. ШИШКИН.

Ҳамкорлик мустаҳкамланаверсин

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Югославияга расмий дўстлик визити чет эллик давлат ва сиёсат арбоблари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари эътиборини жалб этмоқда. Визит иккала давлат ўртасидаги муносабатларда ҳар жиҳатдан янги босқични бошлаб бериши ва шубҳасиз катта халқаро аҳамиятга эга бўлиши таъкидланмоқда.

БЕЛГРАД. «Иккала давлат ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ва дунёдаги аҳволнинг ривожланиши ҳақида сермазмун, қизиқарли ва ҳар томонлама мулоқот ўтказилди, — пойтахтда чиқадиган «Политика» газетаси ўртоқ М. С. Горбачевнинг Югославия раҳбарлари билан музокараларини ана шундай шарҳламоқда. — СССР билан ЮСФР ўртасидаги муносабатларга барқарор ва ғоят яхши муносабатлар, деб баҳо берилди, бу муносабатлар узоқ муддатли дўстона ҳамкорликнинг ҳамма соҳаларида тезроқ ривожланиши ҳақида истак билдирилди».

●

ВАРШАВА. Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси «Ғоялар айирбошлаш, тажриба алмашиш» сарлавҳаси остида қуйидагиларни ёзади: «СССР ва ЮСФРда социалистик қурилиш шароитлари, хилма-хил масалаларни ҳал этиш методлари ва воситалари турлича бўлса ҳам, бир-бирига ўхшаш, бир-бирига яқин, ўзаро қизиқиш уйғотувчи муаммолар ҳам кўп».

●

ЛОНДОН. «Совет раҳбари, деб ёзади Англияда чиқадиган «Гардиан» газетаси, — социализм билан новаторлик ёнма-ён боришини қайта ва қайта таъкидлаш учун Белградда ҳар бир имкониятдан фойдаланди». «Индепендент» газетаси эса ЮСФР аҳолисининг Совет раҳбарига ғоят самимий муносабатини таъкидлайди.

ТОКИО. М. С. Горбачев ЮСФР раҳбарлари билан музокаралар чоғида халқаро муносабатларни демократиялаш зарурлигини айтиб, қўшилмаслик ҳаракатига юксак баҳо берди, Югославия ана шу ҳаракатнинг ташаббускорларидан биридир, деб ёзади Японияда чиқадиган «Асахи» газетаси.

(ТАСС).

16 АПРЕЛЬ — коммунистик шанбалик куни

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

МОСКВАДАГИ ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ ДАЪВАТИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ленинчи Коммунистик шанбалик куни Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонт заводи ишчилари шаҳардаги 30-ўрта ҳунар-техника билим юртида таълим олаётган ўқувчиларга берилиши лозим бўлган тепловозни ремонтдан чиқарадилар. 16 апрель куни ишчилар билан бирга уларнинг шогирдлари — ҳаракатдаги составнинг бўлажак слесарлари ҳам меҳнат қиладилар.

Корхонада Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 118 йиллигини зарбдор меҳнат билан кутиб олиш тўғрисида Москва меҳнаткашларининг чақириғини қўллаб қувватлаб ўтказилган кўп кишилик митингда ана шу тепловозни билим юртига беришга қарор қилинди. Митингда сўзга чиққан слесарь Ш. Содиқов шундай деди:

— Коллективимизда ёшлар катталарнинг ишини давом эттиришдек ажойиб анъана пайдо бўлган. Менинг ўзим ҳам заводда ишлаётганимга унча кўп бўлгани йўқ. Ўз устозларимга улар берган таълим ва ёрдам учун миннатдорчилик билдираман. Тепловозимиз болалар ўзлари танлаган мутахассисликни яхшироқ ўрганишларига ёрдам беради, деб ишонаман.

Ишчи В. Косирева тепловоз ремонтчилари ишчилар синфининг бошқа яхши анъаналарига ҳам содиқ эканликларини таъкидлади. Улуғ Ленининг ҳар бир киши ўзини ўз мамлакатининг хўжайини, деб ҳис қилсин деган васияти жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида қайта қуриш рўй бераётган бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатини ўзи қоплашга ўтиш ҳар бир киши ўз ижодий имкониятларини тўла намоён этишига ёрдам беради. У ўз ўртоқларини шанбалиқ куни тежаб қолинган материаллар ҳисобига ишлаш учун иқтисод режимини кучайтиришга даъват этди.

Митинг қатнашчилари «Қизил шанбалик» кунида иккита юк тортувчи электродвигателни ремонт қилиб бериш, 15 тонна металл ва бир тонна рангли металл қуймасини тайёрлашга ахд қилдилар. Ҳаммаси бўлиб 85 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, беш йиллик фондига камида тўрт минг сўм пул ўтказилади.

(ЎзТАГ).

Яшил либос—ўлкамизга мос

Кўчат экишни вақтида, сифатли адо этайлик!

Шу йил 1 мартда республикамизда кўчат экиб, боғ яратиш, ўрмонзорлар бунёд этиш икки ойлиги бошланди. Шундан бери корхона ва ташкилотлар Ўзбекистон ССР Олий Совети қарори ва табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти Мурожаатномаси чоп этилган 60 мингта плакат олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети қошида кўчат экиб, боғ яратиш, ўрмонзорлар бунёд этиш икки ойлигини ўтказиш бўйича республика штаби тузилган. Ҳамма қилиниши лозим бўлган ишлар билан таништирилган. Бу йил боғ, узумзорлар яратиш, эски боғларни ремонт қилиш ва тиклаш ишлари сифатида кескин бурилиш бўлиши лозим.

Ана шулар ҳақида ҳозироқ, кўчат экиш пайтида ўйламоғимиз керак. Халқ маблағи кўкка совурилмаслиги ва экилган кўчатларнинг бирортаси ҳам қуриб қолмаслигига эришмоғимиз даркор. Маълумот учунгина кўчат экиш, унинг кейинги тақдири билан қизиқмасликка барҳам берайлик. Энди бундай ишлаб бўлмайди. Ниҳоллар фақат яхшилаб тайёрланган жойларга ўтқазилмоғи ва улар кейинчалик доимо парвариш топмоғи даркор. Ана шуларни таъминлаш мақсадида республика штаби томонидан икки ойликнинг бориши ва ишларнинг сифати билан танишиш мақсадида жойларга чиқиб туриш мўлжалланган.

Лекин ҳозиргача икки ойлик бўйича олинган маълумотлардан қониқиш ҳосил қилиш қийин. Республикамизда асосий аҳоли кўчат экишга тўла жалб этилмаган. Бу хайрли ишга уруш ва меҳнат ветеранлари актив ёрдам кўрсатишлари лозим. Уларнинг билим ва тажрибалари кўпгина масалаларни ечишга ёрдам беради. Ўтган йили Бухоро областидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида уруш ва меҳнат ветеранлари ўз кучлари билан 4,3 гектарлик боғ яратдилар. Ромитан райони маркази ветеранлари «Ғалаба» боғини ўз оталиқларига олдилар, Зарафшон дарёси қирғоғида бунёд этилаётган шаҳар боғи қурилишида актив иштирок этиш ҳамда баҳорда 6 минг туп дарахт кўчатлари экишга аҳд қилдилар.

Айрим областлар, министрлик ва идораларда кўчат экиш қануни авж олдирилмаяпти. Республика бўйича 48,7 миллион дона турли хил ниҳоллар экилди, план 48,1 процент бажарилди. Ваҳолонки, бу кўрсаткич ўтган йили шу пайтда 67,9 процентни ташкил этган эди. Жиззах областида топшириқ 84,3 процент, Сурхондарё областида 71,6, Қашқадарё областида 67,3 Фарғона областида 61,3, Бухоро областида 58,1 процент адо этилди. Одатдагидек, кўчат экишда Қорақалпоғистон АССР (16,7 процент), Хоразм области (10,7 процент), Навоий области (12,7), Самарқанд области (30,8), Андижон области (36,7), Тошкент области (39,2) процент орқада қолмоқдалар.

Кўплаб министрлик ва идораларнинг коллективлари икки ойликда фаол иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ходимлари бу борадаги планни 109,1 процент бажардилар. Бу кўрсаткич Ўрмон хўжалиги министрлигида 61,8 процент, Главсредазирсовхозстройда 59, Балиқ хўжалиги давлат комитетида 55, республика Давлат агросаноат комитетида 51,3, Ҳунар-техника таълими давлат комитетида 51,2, Социал таъминот министрлигида 49,2, Тошкент шаҳар ижроия комитетида 44,5, Госкомводстройда 43,5 процентни ташкил этди.

«Госкомнефтепродукт», республика Спорт комитети, Қурилиш банки, Ғалла маҳсулотлари министрлиги коллективлари ҳали биронта ҳам дарахт кўчати ўтқазишмади.

Геология министрлигида топшириқ эндигина 0,8 процент, Ички ишлар министрлигида 1,6, Граждан авиацияси бошқармасида 1,9, Енгил саноат министрлигида 3,1, Автомобиль транспорти министрлигида 3,2, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимида 6,2, Маориф министрлигида 8,7, Автомобиль йўллари қуриш ва ундан фойдаланиш министрлигида 8,8 процент бажарилди, холос.

27 март кўчат экиш ва ободонлаштириш бўйича умумреспублика якшанбалиги деб эълон қилинди. Меҳнат коллективлари, олий ўқув юртларининг студентлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабларнинг ўқувчилари ва республиканинг барча аҳолиси якшанбаликда актив қатнашишлари керак.

Республика областлари бўйича кўчат ўтқазишнинг бориши тўғрисида шу йил 15 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ
(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Жиззах	84,3
Сурхондарё	71,6
Қашқадарё	67,3
Фарғона	61,3
Бухоро	58,1
Сирдарё	57,1
Наманган	51,6
Тошкент шаҳри	46,1
Тошкент	39,2
Андижон	36,7
Самарқанд	30,8
ҚҚАССР	16,7
Навоий	12,7
Хоразм	10,7

Республика бўйича: пландаги 101206,8 минг дона ўрнига 48702,9 минг дона кўчат ўтқазилиб, топшириқ 48,1 процент бажарилди.

Бугунги сонда:

ЖАНГОВАРЛИК ҚУРИГИ — ЮКСАК АКТИВЛИКДА ЎТСИН
2-БЕТ
ҲАҚИҚАТ ҲАМИША ТАНТАНА ҚИЛАДИ
3-БЕТ
МАҲОРАТЛИ СПОРТЧИЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!
4-БЕТ

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

ЭНГ МУҲИМИ— АМАЛИЙ САМАРА

• Партия турмуши: бошланғич ташкилотлар жанговарлиги кўриги

Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи партия ташкилоти жанговарлик кўриги комиссияси ишчи Қодир Нуралиев билан суҳбат ўтказишга тайёргарлик кўраётган эди. Коммунист Қ. Нуралиев суҳбатда район агросаноат бирлашмаси вакили ҳам қатнашишини талаб қилди. Чунки тажрибали коммунистда агросаноат бирлашмаси фаолиятига оид танқидий мулоҳазалар бор эди.

— Шаҳримиз кичкина. Чор-атрофини далалар ўраган. Хонадонларда мол, қўй боқиш учун шароит бор. Бироқ агросаноат бирлашмаси шаҳардаги шахсий чорваси бор хонадонларни мутлақо эътиборга олмаяпти. Уларни ем-хашак билан таъминлаш хусусида қайғурмаяпти. Ваҳолонки, Озиқовқат программасини бажаришда кичик шаҳарлардаги мавжуд имкониятлардан ҳам фойдаланиш зарур.

Саноат корхонаси ишчисининг чорвачиликка оид фикр билдириши комиссия аъзоларида қизиқиш уйғотди. Чунки бу ҳол мамлакатда рўй бераётган чуқур революцион жараён меҳнат кишилари, айниқса коммунистлар онгида катта ўзгариш ясаётгани, коммунистларнинг жамият ҳаётига таъсир кучи ошиб бораётганлигидан далолат берарди.

Районимиз партия ташкилотларида ўтаётган жанговарлик кўригининг туб мақсадларидан бири ҳам ана шу— коммунистларнинг сиёсий активлигини кучайтириш, уларнинг социал ва иқтисодий турмуш жараёнларида фаол қатнашувини таъминлаш, фойдаланилмаётган куч ва имкониятларни юзага чиқаришдир.

Тўғри, 1985 йилнинг биринчи ярмида ҳам райондаги учта партия ташкилотида жанговарлик кўриги ўтказилган эди. Бироқ у пайтда кўрик кутилган самарани бермади. Чунки кўрикни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан етарли назорат бўлмади. Бу ҳақда методик қўлланмалар йўқ эди. Оқибатда ўша пайтдаги кўрик расмиятчиликдан иборат бўлиб қолди.

Бу safар бошланғич партия ташкилотларида жанговарлик кўригини ташкил этишга пухта тайёргарлик кўрдик. Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарлари ўтказилди. Район партия комитети партиявий-ташкилий ишлар кабинетида методик тавсиялар тайёрланиб тарқатилди. Шунингдек, республиканинг бошқа районларида шу соҳада тўпланган тажрибалар билан батафсил танишдик.

Тайёргарликнинг дастлабки босқичида биз райондаги 109 та бошланғич партия ташкилотининг ҳаммасида кўрик ўтказишни мўлжаллаган эдик. Лекин коммунистларнинг дунёқараши, қизиқиши, интилишлари ҳақида тўла-тўкис таассурот берадиган, айни пайтда коммунистни тўлқинлантираётган муаммо ва масалалар батафсил ўртоқлашиладиган тадбирни тезкорлик билан ўтказиш хато бўлур эди. Шу сабабли биз кўрикни аввало 39 та бошланғич партия ташкилотида бошлашга қарор қилдик. Бунда турли шароитларда ишлаётган, бири-бирига ўхшамаган маънавий-психологик муҳитга эга коллективлар танлаб олинди. Район партия комитети, бу муҳим тадбирни юқори савияда ва самарали ўтказишга жиддий эътибор беряпти. Райкомда ҳар ҳафтада бир марта жанговарлик кўригининг бориши муҳокама этиб борилади.

Кўрик комиссиялари раислари ва аъзолари рўйхатини тузишда демократия, ошкоралик принципига қатъий амал қилинди. Комиссиялар рўйхати ҳар бир партия ташкилотида чуқур муҳокама этилди. Комиссия составига энг муносиб, ишлаб чиқаришда ва шахсий турмушда бенуқсон коммунистлар сайланди. Сайловларнинг ўзи ҳам коммунистларнинг бу масалага жиддий ёндашганликларини кўрсатди. Йиғилишларда коммунистлар партия бюроси таклиф қилган комиссиялар составига ўзгартишлар киритдилар. Масалан, район ремонт ишлаб чиқариш корхонаси ва район маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотларида партия бюроси таклиф этган состав коммунистлар йиғилишида жиддий ўзгартирилди. Комиссиялар ишини ташкил этишда ҳам ижодий фикрлашиб олинди. Масалан, комиссиялар икки группага бўлиниб ишлайдилар. Биринчи группа партия ташкилотининг фаолиятини таҳлил қилиш билан шуғулланса, иккинчи группа бевосита коммунист билан суҳбатлашиш учун маълумотлар тўплайди. Ҳар икки группанинг фикрлари умумлаштирилгандан сўнг комиссия ишига холис ва адолатли баҳо берилади.

Жанговарлик кўриги амалий самарали бўлгандагина партия ташкилоти ишига ёрдам берган бўлади. Биз комиссиялар ишини расмиятчиликдан, оддий, жўн саволлар бериш билангина чегараланиб қолишдан холи қилиш, суҳбатлар пайтида коммунистни ҳар томонлама ўрганиб, унинг қизиқишлари, ўзи ишлаётган коллективда қайси ўринда, қай даражада фойда келтириши мумкинлигини аниқлаб олиш учун ҳаракат қиляпмиз. Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи, «Комсомол», М. Горький номли колхозлар, «Ленинобод» совхози партия ташкилотларида жанговарлик кўригининг борыши ҳақида коммунистлар кенг хабардор этиляпти. Комиссияларнинг таклиф ва тавсиялари партия ташкилотларининг кейинги фаолиятида кадрлар масаласида дастуриламал бўляпти.

Ҳозиргача ёзма ва оғзаки тарзда билдирилган 200 дан ортиқ таклиф ва мулоҳаза диққат билан ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланяпти. Масалан, «Иттифоқ» колхози сут-товар фермасининг мудири Э. Усмонов ўрганиб чиқилгач, комиссия бу коммунистнинг ижтимоий турмушда активлиги етишмаслиги, унинг ўз соҳасини яхши билмаслиги, ўз устида ишламаслигини аниқлади. Уни фермага раҳбарлик қилишга нолойиқ деб топди. Бу ҳақда колхоз партия комитети ва правлениесига тегишли таклиф киритилди.

Коммунист Қ. Баҳромов «Комсомол» колхозида бригада бошлиғи вазифасида ишлар, ўз ишининг ҳақиқий билимдони эди. У Андижон пахтачилик институтини сиртдан тугатгач, донгдор бригадирни юқори лавозимга кўтариш керак, деган фикрга келинди. У колхоз биолабораториясига мудир қилиб тайинланди. Бироқ Қ. Баҳромов ўз тажрибаси, билимини яна пахтачиликка бағишлаганда кўпроқ фойда келтирган бўларди. Жанговарлик кўриги комиссияси коммунист Қ. Баҳромовнинг қизиқишлари, характери ва интилишларини ўрганиб, колхоз правлениесига ундан бригада бошлиғи сифатида фойдаланиш ўринли бўлиши ҳақида тавсия берди. Кўп ўтмай Қ. Баҳромов яна пахтачилик бригадаси бошлиғи этиб тайинланди.

Суҳбатларда коммунистни тўлқинлантираётган, ўйлантираётган ҳамма масалаларни билиш, унинг маънавий эҳтиёжларини ўрганишга алоҳида эътибор беряпмиз. Энгельс номли колхоз партия ташкилоти жанговарлик кўриги комиссияси билан суҳбатда коммунист Ю. Нишонов Сертут қишлоғидаги кутубхона иши талаб даражасида эмаслиги, бу ерда маданий-маиший муассасалар фаолиятида кескин ўзгариш ясаш лозимлиги ҳақида куйиниб гапирди. Суҳбатдан сўнг колхоз партия ташкилоти кутубхонани ремонт қилиш чораларини кўрди. Унга 250 номда турли янги бадиий ва сиёсий мавзудаги китоблар келтирилди.

Коммунистларнинг юксак активлигида ўтаётган бундай суҳбатлар кўрик комиссиялари ишининг амалий натижалар беришига хизмат қилади. Суҳбатлар давомида коммунистлар ўз партия ташкилотлари фаолиятига оид танқидий фикр ва мулоҳазалар билдиришяпти. Масалан, «Ленинобод» совхози, «Комсомол» колхози ва бошқа қатор хўжаликлар, ташкилот ва муассасалар партия ташкилотларида коммунистларнинг ҳисоботларини эшитишга етарли эътибор берилмаётганлиги, партия йиғилишларининг танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтмаётганлиги, коммунистларнинг сиёсий билимлари етарли эмаслиги, ўқувларнинг қониқарсиз ташкил этилганлиги ҳақида жиддий эътирозлар билдирилди. Бошланғич партия ташкилотларида, район партия комитетида бу эътирозлар, фикр ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилиб, тегишли чоратадбирлар кўриляпти.

Бошланғич партия ташкилотларида жанговарлик кўриги давом этмоқда. Унинг дастлабки самаралари, сабоқлари ҳозирнинг ўзидаёқ бу тадбир партия ташкилотлари жанговарлигини оширишда муҳим босқич бўлиб қолишини кўрсатмоқда. Лекин энг муҳими бу тадбирга расмиятчилик ва кампаниячилик нуқтаи назаридан ёндашмагандагина амалий натижага эришиш мумкин.

А. СОДИҚОВ,
Олтиариқ район партия комитетининг иккинчи секретари.

«Совет Ўзбекистони» анкетаси

1. Сизнинг коллективингизда, партия ташкилотингизда қайта қуриш қандай боряпти? Унинг дастлабки босқичи қандай якунланди?

2. Янгича ишлаш тажрибаларидан қайси бирлари диққатга сазовор ва уни қандай кенг ёйса бўлади?

3. Сизнингча қайта қуришга нималар халақит беряпти? Қайси ишда ҳали ҳам турғунлик ҳукм сурмоқда?

Анкета саволларига Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири, 1-тўқув цехи партия ташкилоти секретари Абдумажид МАДРАҲИМОВ жавоб беради.

ЯНГИЛАНИШ— КЕЛАЖАК САРИ ЁРҚИН ЙЎЛ

1. Бирлашмамиз республикада биринчилар қатори тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлади. Хўш, у қандай самара бермоқда? Мен гапни мана шундан бошламоқчиман.

1985 йилдан бошлаб бирлашмамиз корхоналари бригада пудрати методига ўтиб ишлай бошлади. У пировард натижага қараб маош олишимизни ва натижада ҳамманинг «Маҳсулот сифатига виждон кафолати» шиори остида ишлашини тақозо этди. Шунинг учун ҳам корхонамизда бригада методининг тўла жорий этилиши хўжалик ҳисобига ўтишимизни осонлаштирди. Бу борада бирлашма партия комитети комплекс тадбирларни амалга оширди. Аввало, иқтисодий ўқувга катта эътибор берилди. Ҳар бир ишчи онгида хўжалик ҳисоби ҳақида муайян тушунча ҳосил қилинди.

Маълумки, хўжалик юритишнинг янгича шароитида шартнома мажбуриятларига амал қилиш асосий кўрсаткич ҳисобланади. Биз КПСС Марказий Комитетининг «Маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб маҳсулот сифатини яхшилаш, турларини кўпайтиришга катта аҳамият бердик. Натижада «Янгилик» белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот 40 процент кўпайди. Маҳсулот сифати яхшилангани шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаётир. Шунингдек, газмоллардан лахтаклар чиқиши 1 процент камайди. Биринчи сортли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йигирув фабрикасида 2,3 процент, тўқимачилик фабрикасида 3,2 процент кўпайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг деярли учдан иккі қисми янгиланди.

Бирлашмамизда янги техника ва технология ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Бу ишимиз сифати ва самарадорлигини янада оширяпти. Жумладан, газламаларга гул босишнинг янги усули жорий этилди. У газмолларнинг ранг-баранглигини, юқори сифатини таъминлаяпти. Бу эса буюртмачилар истагига тўла мос келмоқда.

Маъмурият ва партия комитети кадрлардан ўз ўрнида фойдаланишга ҳам эътиборни кучайтирди. Кадрлар раҳбар лавозимларга демократия асосида кўтарилмоқда. Жумладан, Учқўрғон ва Норинда йигирув-тўқув фабрикалари директорларини ишчиларнинг ўзлари сайлашди. Ҳозир бу жойларда иш яхши бормоқда. Истиқболли кадрлар марказий шаҳарларга стажировкага юборилаётгани ҳам яхши самара беряпти. Ҳозир корхонада меҳнат коллективлари кенгаши актив фаолият кўрсатяпти. Улар хўжалик юритишнинг оқилона ташкил этилишини таъминлаяптилар. Маҳсулот сифатини яхшилашда касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ контроли группалари, «Комсомол прожектори» штаби аъзолари ва сифат группаси яқиндан ёрдам беришяпти. Шу ўринда бирлашмамизда 14 миллат вакили бир оила фарзандидек меҳнат қилаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Менимча, қайта қуришнинг биринчи босқичини муваффақиятли якунлаганимизнинг боиси ҳам мана шу аҳилликдадир.

2. Бирлашмамиз ишчилари айни кунларда «Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига — 19 зарбдор меҳнат ҳафтаси» шиори остида меҳнат қилишяпти. Жумладан, бригадамиз аъзолари конференция очилишига икки йилу саккиз ойлик планни бажаришга аҳд қилишган. Тўқувчи Галина Курдюкова 4,5 йиллик, Надежда Карпова, Раиса Беляловалар эса 4 йиллик планни уддалаш ташаббуси билан чиқишди. Бундай илғорлар бирлашмамизда кўпчиликни ташкил этади. Умуман 1255 нафар тўқувчи 2,5—3 йиллик маррани эгаллашга аҳд қилишган. Корхонамизда ҳар бир янги ташаббус кенг қанот ёяди. Масалан, свердловсклик саноатчиларнинг «Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига коллектив кафолати» ҳаракати корхонамизнинг барча цех ва фабрикаларида ўз издошларини топди.

Бироқ қишлоқ жойлардаги филиалларимизда машина ва станоклар қувватидан тўла фойдаланилмаётгани сир эмас. Масалан, Уйчидаги филиалимизда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш 75 процентни ташкил этгани ҳолда, Учқўрғон ва Ҳаққулободдаги филиалларимизда бу кўрсаткич 40 процентдан ошмаяпти. Шуни ҳисобга олиб, филиалларимизга амалий ёрдамни кучайтирдик. Яқинда бир группа тажрибали ишчилар бир ой давомида Ҳаққулободдаги ёш тўқувчиларга тажриба ўргатиб қайтишди. М. Тошбоев, А. Шарипов, И. Исмоиловларнинг иш тажрибаси эса учқўрғонлик йигирувчиларга қўл келди.

Яхши тажрибаларимиздан яна бири, меҳнат коллективларимизда ошкораликнинг кенг қарор топаётганлигидадир. Ишлаб чиқаришга оид барча масалалар коллективларнинг ўзида ҳал қилинади. Партия йиғилишларида раҳбар кадрларнинг ҳисоботлари мунтазам тингланб бориляпти. Уларнинг фикр-мулоҳазалари юзасидан қарорлар қабул қилиниб, ижроси изчил назорат қилинмоқда.

3. Ишимизни, ўз фаолиятимизни қайта қуриб олишимизга халақит бераётган муаммолар кўп. Жумладан корхонамизда инженерлик таъминоти яхши йўлга қўйилмаган. Тўқув дастгоҳлари эски, қарийб 20 йилдан буён ишламоқда. Моддий таъминот ёмон, эҳтиёт қисмлар етишмайди. Бу борадаги бизнинг талаб ва эҳтиёжларимизни Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги етарли даражада қондирмаяпти. Амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан тузилган планлар қоғозда қолиб кетмоқда. Масалан, маҳсулот сифатини яхшилаш учун муҳим бўлган пардозлаш машиналарини узоқ йиллардан буён ололмаяпмиз. Бинолар эски, аммо уларни ремонт қилиш масаласи ҳалигача ҳал этилмаяпти. Кўйлакли ва плашчли газламаларга бўлган талабларнинг нақадар юқорилигини ҳисобга олиб, СССР Енгил саноат министрлиги 1989 йил охиригача реконструкция ишларини тугатишни ва 1990 йилдан бошлаб ҳозирги 55 миллион ўрнига 90 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришимизни талаб этяпти. Бунга эришиш учун эса корхонамизга камида 8—10 миллион сўм пул керак. Бироқ бундай маблағ бизда йўқ.

Шу ўринда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ даромаддан олаётган улушимизнинг нақадар камлиги бизни ташвишга соляпти. Негаки, давлатга келтирган фойдамиздан фақат 19 процент маблағ бизнинг ихтиёримизга берилади. Белгиланган нормативга биноан 1988 йилда бирлашмамизга умумий даромаддан 3,8 миллион сўм маблағ қолади. Бу жуда оз. Ўз ҳаражатларимизни қоплашимиз учун эҳтиёж ва ҳолатларимизни ҳисобга олиб, 600 кишига квартирага, шунча одам болалар боғчасига навбат кутишяпти. Шу пайтгача корхонамизнинг профилакторийси йўқ. Реконструкция ишларининг чўзилиб кетаётгани боиси ҳам маблағнинг йўқлигидандир. Хуллас, биз СССР Қонунининг тақсимлаш нормативларини қайта кўриб чиқиш лозим, деб ўйлаймиз. Бундан ташқари меҳнат коллективлари кенгашларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш керак.

Энди партия ташкилоти секретарлари ишини осонлаштириш борасидаги муаммоларга келайлик. Ҳозир кўпгина партия ташкилотлари секретарлари ёш, аммо ташаббускор коммунистлардир. Улар партия ишига оид қўлланмаларни ўқишни, бу соҳада ўз билимини оширишни истайдилар. Аммо шу соҳага доир адабиётлар кам. Қўлланмалар кўп тиражда оммабоп қилиб чоп этилса фойдадан холи бўлмасди.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

Қардошлик оиласида

Бутун республикамизда бўлгани сингари Нишон районида ҳам* меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда 50 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил яшаб, самарали меҳнат қиляпти. Район «Меҳнат байроғи» газетасининг шу йил 15 мартдаги сони ана шу муҳим мавзуга бағишлаб чиқарилди.

«Халқлар дўстлиги, бирдамлиги ва қардошлигини мустаҳкамлайлик» — деган умумий сарлавҳа остида берилган қўш саҳифада район меҳнат аҳлининг турмуши ва меҳнат фаолияти тўла акс эттирилган. Газетада, оддий меҳнаткашларга кенг минбар берилган. Жумладан, «Оқ олтин» совхози сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Мерон Кимнинг «Мақсадимиз бир», «Нишон» давлат насличилик заводи партия комитети секретари Х. Нуралиевнинг «Кудратли қуч», район марказий касалхонаси врачи Г. Аблялимованинг «Дўстлик бор жойда», Қаҳрамон она А. Металниковаларнинг «Аҳиллиқда гап кўп», Циалковский номли ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Н. Арслонованинг «Иштиёқ билан», Ч. Бегимқулов номли совхоз тракторчиси А. Ивановнинг «Тақдиримиз туташ». Қарши магистраль каналы ва насос станцияларини эксплуатация қилиш бошқармасининг бошлиғи Р. Очиловнинг «Дўстлик қурган иншоот» сарлавҳали ва бошқа материалларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ишлар, бунда интернационал дўстлик ва ҳамкорликнинг ғоят катта роль ўйнаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

Редакция ходимлари ва жамоатчи мухбирлар газетанинг ушбу сони гонорарини В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди (707-счёт)га ўтказдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

ДЎСТЛИК БОҒИ УЧУН

Ўрмон хўжалиги билан ўрмон саноатини бошқаришни тубдан қайта қуриш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитети негизида СССР Иттифоқ-республика давлат ўрмон комитетини ҳамда СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги негизида СССР Иттифоқ-республика ўрмон саноати министрлигини ташкил этди.

Афғонистоннинг Сурхондарё области билан биродарлашган Балх вилоятига Термиз ўрмон хўжалигида етиштирилган дастлабки ўн минг туп кўчат жўнатилди. Ўрик, шафтоли, анор, олхўри кўчатлари у ердаги боғларга ўтқазилади. Элдор қарағайи, туя дарахти, чинор, қайрағоч, шумтол ва заранг сингари уч минг туп манзарали дарахт кўчатлари вилоят маркази — Мозори Шариф да бунёд этилаётган Дўстлик боғидан жой олади. Термизлик лойиҳачилар янги боғнинг иш чизмаларини тайёрлашда афғонистонлик дўстларга ёрдам бердилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Дунё воқеалари

• Хабарлар • Фактлар



ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ПОЙДЕВОРИ

Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган кунга бугун 40 йил тўлди. Мазкур шартнома мамлакатларимиз дўстлиги ва самарали ҳамкорлигининг мустаҳкам пойдеворидир.

СССР ёрдамида қардош Болгарияда тахминан 500 та корхона қад кўтарди. Уларнинг ҳар бири социалистик ҳамдўстлик барча давлатларининг иқтисодий қудратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Совет — Болгария иқтисодий алоқалари мунтазам ривожланиб, комплекс ва узоқ муддатли характер касб этмоқда. Иккала мамлакат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари ўртасида бевосита алоқалар ҳамда биргаликда корхоналар ва халқаро бирлашмалар тузиш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар тузилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги меҳнат тақсимоти эса ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперацияни янада ривожлантиришга қаратилган.

Суратда: Софиядаги «Средец» машинасозлик заводининг маҳсулоти — юк кўтаргичлар. Улар Совет Иттифоқига юборилади.

В. Соболев фотоси ТАСС фотохроникаси.

● ЖАҲОННИНГ ОЛОВЛИ НУҚТАЛАРИ

«ШАҲАРЛАР УРУШИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД. Расмий ҳарбий вакилнинг хабар беришича, кеча Ироқ Теҳронга яна тўртта ракета отган. Эрон ракеталари Бағдоддаги турар-жой кварталларини ўққа тутиши натижасида вайронагарчиликлар юз берди, аҳоли ўртасида қурбонлар бор.

НИКОСИЯ. ИРНА агентлиги кеча эрталаб Эрон Бағдодга тўртта ракета отганлигини хабар қилди. «Ер-ер» туркумидаги ўн битта тактик ракета Басрага ҳамда унинг атрофидаги Ироқ қўшинлари тўпланган районларга отилган.

Эрон авиацияси Қирқўк, Амара, Зубайдат шаҳарларидаги ва бир қанча бошқа аҳоли пунктларидаги ҳарбий ва иқтисодий объектларга, шунингдек фронт чизиғи бўйлаб Ироқ позицияларига ракета-бомба зарбалари берган.

* * *

АММОН. Исроил ҳарбий қўмондонлиги Ғазо минтақасига келадиган йўлларни беркитиб қўйиш ва у ерда комендантлик соатини жорий этишга қарор қилди. Исроил босқинчилари ўз хатти-ҳаракатларига мазкур районга «душман унсурлар» кириб келишига тўсқинлик қилиш мақсадидаги «хавфсизлик чоралари»ни баҳона қилмоқдалар. Комендантлик соати 22.00 дан 3.00 га қадар давом этади.

(ТАСС).

«ЭРОНГЕЙТ» МОЖАРОСИ

ПРЕЗИДЕНТ НИМАНИ БИЛАРДИ?

«Эронгейт» снёсий можаросига оид гаплар яна Америка газеталарининг биринчи саҳифаларида босилмоқда. Президентнинг миллий ҳавфсизлик масалалари бўйича собиқ ўринбосари Роберт Макфарлейн ўтган ҳафтада конгрессда сўроқ пайтида шу иш хусусида гувоҳлик бериб айтган гаплар, «Ньюсуик» журналининг фикрича «Эронгейт» можарасининг янги драматик қирраларини очиб беради.

Макфарлейн «Эрон-контрас» можароси хусусида конгрессни алдаган эдим, деб айбини бўйнига олаётганлиги сабабли Рейган маъмурияти зиммасига анчагина ташвиш тушиши мумкин, деб таъкидлади «Ньюсуик» журнали. Ҳамма гап шундаки, президентнинг собиқ ёрдамчиси ана шу қаллобликнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлган эди. Энг муҳими шундаки, деб уқтирди «Ньюсуик», Макфарлей президент Рейган ва вице-президент Буш «Эрон-контрас» операциясига нечоғлик бош қўшганлигини биларди».

Ўтган ҳафта Макфарлейн эътироф қилган сўзларидан кейин репортёрлар, ундан, сиз конгрессни чалғитаётганлигингизни президент Рейган рағбатлантирдими, деб сўрашди. Макфарлейннинг адвокати суҳбатга аралашиб, саволларни бўлиб қўйди.

АЙБНОМА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

Федерал катта жюри шу ҳафта ичида «Эрон-контрас» маҳфий операциясининг бир қанча қатнашчисига расмий равишда айб қўяди. «Крисчен сайенс монитор» газетаси «Рейган маъмуриятидаги юқори лавозимларда ишлаб турган кишиларнинг айтган гапларига ва махсус прокурор Лоуренс Уолш терговнинг қандай бораётганлиги билан таниш бўлган расмий кишиларга» таяниб шу ҳақда хабар берди.

Жиноий жавобгарликка тортилиб, айб қўйилиши мумкин бўлган кишилар орасида президентнинг миллий ҳавфсизлик масалалари бўйича собиқ ўринбосари Жон Пойндекстер, Эронга қурол-яроғ сотишдек қаллобликнинг бевосита асосий иштирокчиларидан бири, подполковник Оливер Норт, шунингдек ҳарбий-ҳаво кучларининг истеъфодаги генерал-майори Ричард Сикорд бор. «Крисчен сайенс монитор» газетасининг таъкидлашича, «анчадан бери кутилаётган бу айбномалар АҚШнинг ҳозирги ҳукуматида юз берган жуда катта жанжалнинг янги саҳифасини очади». (ТАСС).

РЕЙГАН «САМОВИЙ УРУШЛАР» ҲАҚИДА

ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари баъзи элементлари космосда жойлаштирилаётган ракетадан мудофаа кенг кўламли системасини босқичма-босқич жойлаштиришни бундай ҳаракатга тайёр бўлиши билан ноқ бошлаб юбориш ниятидадир.

АҚШ президенти Р. Рейган душанба куни «СМТ: дастлабки беш йил» конференциясида сўзга чиқиб, ана шу режалар ҳақида гапирди. У «Самовий урушлар» программасини амалга ошириш тўхтовсиз давом этиши керак, деб талаб қилди ва Пентагон бу соҳада эришган ютуқларни кўкларга кўтариб мақтади. Рейганнинг гапларига қараганда, Пентагон режалаштирган ракетадан мудофаа кўп қатламли системасининг биринчи эшелони «кейинчалик уни кенг қамровли мудофаа системасига айлантириш учун мустаҳкам негиз бўладиган тарзда» ишлаб чиқилади ва жойлаштирилади.

• *Чорвачилик—умумхалқ иши*

ОҚИЛОНА ИШ ЮРИТИБ

ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ТУБ ЎЗГАРТИРИШГА ЭРИШМОҚ КЕРАК

(Ўзбекистон агросаноат комплекси ходимлари қурултойи қатнашчиларининг республика агросаноат комплекси барча меҳнаткашларига Мурожаатномасидан)

Ғузор районида бу йил чорва қишловини ўтказишга алоҳида эътибор берилди. 1986 йилда юз берган қурғоқчилик туфайли ем-хашак етарли тайёрланмади. Отарлар Муборак даштида боқилди. Сурхондарё области, қўшни Тожикистон, ҳаттоки, Олтой ўлкасидан озуқа олиб келишга тўғри келди. Бир килограмм хашакнинг нархи 14 тийинга тушди. Подалар асраб қолинди.

Район партия активи юз берган аҳволни атрофлича муҳокама қилди. Резервлар қидириб топилди. Комсомолёшлар бригадалари тузилиб, уларга ем-хашак тайёрлаш вазифаси топширилди.

Бугунги кунда кўрилган тадбирлар самараси сезилмоқда. Ҳар бир хўжаликда йиллик озуқа запаси бор. Район давлатга 245 тонна гўшт топширди, бу эса ўтган йилдагига қараганда 35 тонна ошиқчадир.

Райондаги «Пачкамар» қорақўйчилик совхози чорвадорларининг муваффақияти қувонарлидир. Улар қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлашди. Давлатга 4200 та биринчи сортли қорақўй топширилди. Бу ўтган йилдагидан анча кўп.

— Чорвадорлар отарларни сақлаш, бутлаш ва қўпайтириш учун қатор ишларни амалга оширмоқдалар, — дейди «Пачкамар» совхози директори Ўткир Жумаев. — Хўжалигимиз жорий йилда планга кўра 450 тонна гўшт топширади. Бу совхоз подасининг ярмини ташкил этади. Чўпонлар шу кунларда қўйларини семиртиришга алоҳида эътибор беришяпти. Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Айниқса, ичимлик суви етишмаяпти. Ҳар йили сув ташиб келтириш учун 100 минг сўм сарфланмоқда. 50 километр узунликдаги водопровод тармоғи қурилса, ҳамма учун фойдали бўларди. Келаси йилдан бошлаб, совхозимиз хўжалик ҳисобида ишлайди. Бу ишга алоҳида пухта тараддуд кўряпмиз.

Суратларда: 1. Илғор чўпон Бегимқул Қаҳҳоров. Бу йил ҳар юз бош совлиқдан 112 тадан қўзи олди. 2. Ленин орденли чўпон Эшқул Нормуродов фарзандлари даврасида.

Р. Шагаев ва Ш. Шаропов фотолари

(ЎзТАГ).

РАҒБАТ МЕҲНАТГА ЯРАША БЎЛСИН

ПАХТАКОР ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўтган хўжалик йилида оилавий пудрат асосида меҳнат қилиб, 67 гектар майдонга чигит экдик. Хўжалик маъмурияти билан тузилган шартномага мувофиқ жами 194 тонна пахта етиштиришимиз, ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил олишимиз, шунинг 48 тоннасини биринчи сортга, 78 тоннасини иккинчи сортга топширишимиз лозим эди. Йил бўйи қилган меҳнатимиз зое кетмади. Планни 101,1 процент қилиб бажардик.

Қувончлиси — етиштирилган ҳосилнинг 134,7 тоннаси биринчи сортга қабул қилинди. Бошқача қилиб айтганда, давлатга шартномадагидан 75 минг 429 сўмлик ортиқча биринчи сорт пахта етказиб бердик. Учинчи, тўртинчи сорт пахта эса белгиланганидек 68 тонна эмас, бор-йўғи 30,7 тонна чиқди. Машина терими планини 153,9 процентга бажардик.

Демак, биз хўжалик билан тузган шартномада кўрсатилган мажбуриятларни ошириб бажардик. Шартномага кўра, оила аъзоларимиз 36651 сўм даромад қилиши керак эди. Ҳозиргача давлатдан иш ҳақи сифатида 26263 сўм олдик. Қолган ҳақимизни бухгалтерияда ҳисоб-китоб қилиб қўйишибди. Тез кунларда тарқатишга ваъда беришяпти. Ҳозирча хўжалигимиз ҳисобига пул йўқ эмиш.

Аммо бизни таажжубга солгани совхозимизда мукофот пулини белгилашда бу йил қўлланилган ўзига хос «усул» бўлди. Яъни ортиқча топширилган пахта суммасининг 60 проценти миқдорида мукофот бериладиган бўлибди. Мукофот белгилашда сифат кўрсаткичлари ва бундан давлатга келтирилган фойда ҳисобга олинмас эмиш. Оқибат нимага олиб келмоқда? Биз 67 гектар ердан давлатга шартномадагидан жами 18985 сўмлик кўп маҳсулот топширган ҳолда 854 сўм мукофот оладиган бўлиб турибмиз. Совхоз иқтисодчиларига бу ҳақда гапирсак, РАПОдан шундай кўрсатма бўлган дейишмоқда. Лекин бу ҳақда бирорта ҳужжат кўрсата олишмади.

Совхозимиздаги А. Валиев бош бўлган оила аъзолари ҳам шартнома мажбуриятларини муваффақиятли бажаришди. 79 гектар майдонда деҳқончилик қилган бу оила давлатга 14963 сўмлик ортиқча пахта сотган. Йиллик мукофот пули эса 3156 сўмни ташкил этмоқда. Бундай икки ҳилликни совхоз ва РАПО раҳбарлари балки тушунтириб беришар? Бу ҳол на фақат бизнинг, балки кўплаб оилавий пудрат асосида меҳнат қилган кишиларнинг норозиликларига сабаб бўлаётир.

И. ШУКУРОВ,
Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхоз оилавий звеноси бошлиғи.

• *Ёзувчи мулоҳазалари*

Уктам УСМОНОВ

ҚИЁФАСИЗ ИЛЛАТ

НИҲОЯТ, давлатимизнинг махсус Фармони чиқди. Энди «гражданиннинг ёзма мурожаати фамилияси, исми, кўрсатиб имзоланиши ва унда таклиф, ариза ёки шикоят мазмуни баён этилишидан ташқари унинг турар жойи, иш ёки ўқиш жойи тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Ана шу маълумотлар бўлмаган ариза ва шикоятлар имзосиз, деб эътироф этилади ва кўриб чиқилмайди». Демак, ошкоралиқ ва ҳозирги туб ўзгаришларнинг ашаддий душмани бўлган анонимкачига — шу ёвуз шарпага охири муносиб зарба берилди! Аммо жуда бунчалик шошилмайлик. Ҳалол, меҳнаткаш халқ орасига яшириниб бу қиёфасиз иллат бир зарб билан йўқолиб кетишига ишониш қийин. Чунки у бизга, жони қаттиқ махлуқдек, узоқ ўтмишдан «мерос» бўлиб келяпти: уни томири билан йўқ қилиб ташлаш борасидаги уринишлар эса вақти-вақти билан негадир сусайиб, ҳатто унутилиб кетган пайтлар ҳам кўп бўлган...

Умуман, юмалоқ хатнинг тарихи қизиқ. Алексей Толстой ғувоҳлик берадики, ўтмиш замонларда ҳатто имзосиз хатлар махсус ташлаб кетиладиган алоҳида майдонлар бўларкан: уларни маҳкама мулозимлари йиғиб юришаркан, юмалоқ хатни «тегишли жой»га элтиб бермай, уни яширган ёки йиртиб ташлаган шахслар ҳатто қатл қилинаркан. Лев Николаевич Толстой бир куни Ясная Полянадаги уйида фақат оила аъзолари орасида ўтириб, ўзича нималарнидир чуқур ўйлаганча, «подшолар замони ҳам ўтиб бораяпти» деса, бу гапни биринчи бўлиб подшо Николай II эшитибди (яна ўша хуфя хат ёрдамида: уни хизматкорлардан бири ёзган экан).

Ҳар замон-ҳар замонда Ойбек домланинг фото-суратига тикиламан-да, чуқур пешона ажинларига қараб туриб, «буларда ҳам ҳойнаҳой ўшандай хатларнинг «ҳиссаси» бордир» деб ўйлайман ўзимча. Марҳум Назир Сафаровнинг айни туғилган куни яқинлашганда, рақиблари дарров икки-учта юмалоқ хат уюштириб юборишарди; 50 йилдан ортиқ КПСС сафида бўлган, Улуғ Ватан урушида фидойилик кўрсатган мўйсафид адибни ҳатто «фалон йили фалон мактабга ўт қўйган» деб айблашарди. Узоққа бормайлик. Яқиндагина республика идеологиясига раҳбарлик қилган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сўнгги пленумида ҳақли равишда риёкор «арбоб» деб ном олган Р. Абдуллаева папка-папка аноним хатлар ичида ўтириб, бамисоли сувга тушган баликдек «мароқ билан» ишлар эди. Шундай эгри йўл билан у қанча-қанча софдил ходимларнинг тагига етишда шу чиркин воситадан фойдаланди. Муболағасиз айтиш мумкинки, унинг «раҳбарлик» даврида аноним хатлар «шаклан» бойиб, «мундарижаси» кенгайиб, оқибатлари ҳайратланарли даражага етди. Бунинг устига бу «арбоб» ҳозирги қайта қуриш, ўтган хатоларни кескин тузатиш жараёнини ўзига қулай ниқоб қилиб олди. Бу гапларни биз йиқилганни яна бир туртиб ўтиш ёки қасд олиш учун айтаётганимиз йўқ. Ундай қилсак, биз ғаразгўй муносабатлардан бутун умр қутулолмаган бўлар эдик. Гап шундаки, бу «раҳбар» ўша ҳаддидан ошиб, босар-тусарини билмай юрган пайтларда ҳам унинг ҳақиқий башарасини фош этиб ташлаган айрим партия ходимлари, шу жумладан адиблар ҳам бор эди. Эсимда, Ёзувчилар союзи пленумларидан бирида республика халқ ёзувчиси Сарвар Азимов рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида Абдуллаеванинг иккиюзламачилиги, мунофиқлигини кескин очиб ташлаганда бир-иккита корчалон адиблар дарров минбарга югуриб, «опа»ларини қутқаришга шошилган, тўғри танқид қилган ўртоқни эса туҳматчи, бузғунчига чиқарган эдилар.

Анонимкачи хусусида ҳалиям ҳушёрликни йўқотмаслигимиз зарур. У — ўлмайдиган кана: хили, тури, қиёфаси кўп, найрангининг чеки йўқ. Бир гал Абдулла Ориайбингиз бордай шаштингиз пасайиб қолади...

Бу энди «майда» иғвогарнинг иши. Каттаси бирагўла баланд дорга осилади: тўппа-тўғри юқори идораларга «чиқади». Ана унда кўринг чоп-чопни! Бошлиғингизга ҳам «ёқиб» кетасиз жуда: чунки унинг тинчини буздингиз. Юқори идоларнинг олдида гўё у раҳбарлик қилаётган муассасанинг обрўйига раҳна ташладингиз! Жанжални ким ёқтиради? Юқори идоралар сизни суриштириши билан ишхонангизда ҳам сизни юлқий бошлашади. «Сен ҳам ўзингни бунчалик қўй оғзидан чўп олмаган фариштага қилиб кўрсатаверма! Бу дунёда нима юз берибдики — бежиздан юз бўлмаган! Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди!...» Анонимкачи худди мана шу нарсани олдиндан «кўради». У бугун туҳмат хат ёзаркан, эртага у эмас. Ҳаётимиздаги бошқа кўпгина, бир қараганда оддий бўлиб кўринган ишларда унинг совуқ шарпаси сезилиб туради. Чиндан ҳам баъзан одам ҳайрон бўлади! Ошкоралик ҳақидаги тўхтовсиз таъкидларимиз ҳали ҳам охир-оқибатда қуруқ гапга айланиб қолмасмикин, деб хавотирга тушасан. Масалан, нашриётлар ҳаётидаги оддий бир воқеа — қўлёзмаларни тақриздан ўтказиш масаласини олайлик. Шу ерда ҳам тақризчининг фамилияси, айниқса, салбий муносабат билдирилган тақризларда — анонимлигича қолади кўп ҳолларда. Бу биринчидан, тақризчининг масъулиятини умуман туширириб юборса, иккинчидан, мазкур қўлёзманинг ҳақиқий баҳосини аниқлашни қийинлаштиради. Ёки нашриёт планларини тузишдаги маҳфийлик-чи? План тузилаётган пайтда нашриёт ходимлари бамисоли разведкачиларга пов «профессионал» иғвогарлар ҳақида гапира туриб ҳазил аралаш айтган эди: «Улар йиғилишиб олиб: «Ҳў-ўш, энди фалончини қандай ёзамиз? Партиядан ўчадиган қилиб ёзамизми ёки қаттиқ ҳайфсан оладиган бўлсинми?» деб келишиб ҳам қўйишаркан. Сиз бечорага ана шундай ёвуз кимсанинг «назар-нафаси» тегди дейлик. Лекин сиз буни билмайсиз; ўз ишингиз билан оворасиз. Биринчи галда бошлиғингиз ўзгаради. У энди сиз билан гаплаша туриб, ўқтин-ўқтин сизга тикилаверади, кўзингизга қарайди, бир хил пайтларда ишга сира алоқаси йўқ ғалати-ғалати саволларни беради. Охири хавотирлана бошлайсиз. Кейин билсангиз: бу пайтда устингизда «тергов» кетаётган экан: хонадошларингиз, ҳамкасбларингиз, сизни билган, ҳатто билмаган одамлар ҳам гувоҳликка ўтаётган экан. «Тергов» тугагач, ниҳоят, сизни ҳам чақиришиб, қўлингизга бир қоғоз тутқазишади; тинчгина идорани бирдан арининг уясига айлантириб юборган шу имзосиз хатни ўқийсиз-у... «факт»лари тасдиқланмагани учун «қўлинг сингур ёзган»ни биргалашиб сўкиб... хуллас, ўртада яраш-яраш бўлади. «Бундан буёғига эҳтиёт бўлинг» деган самимий маслаҳатлар ҳам берилади. Сиз эса хафалигингизни ҳам, суюнганингизни ҳам билмай, юмалоқ хатдаги аҳмоқона «далил»лардан ларзага тушиб, шунча йиллардан бери бирга ишлаётган ҳамкасбларингиз аслида сизга ишонмаслikларини биринчи бор билиб, калавангизни йўқотганча хонадан чиқасиз. Хатда келтирилган «далил»лар бошдан-оёқ уйдирмалигини билиб турсангиз ҳам кўнглингиз хира тортаверади, одамлар олдида ўзингизни ноқулай сезиб, худди қимнинг қўлига тушишини ҳам билади. Эҳтимол, ўша мўлжалдаги одамга мослаб ҳам ёзар. Айни ўша одамга юмалоқ хат қандай таъсир қилишини билиб, ҳатто ўша текширувчи ўртоққа тазйиқ ўтказиб ёзади. Натижада ҳакамлик қиладиган шахс ўзидан қўрқиб, ҳали текширишга киришмасданоқ қовоқ-димоқ қилиб, киши билмас туҳматчининг ёнига ўтиб олади. Агар у шундай қилмаса, ноҳақлик бўлса ҳам аризага тушган одамни бир «жазолаб» қўймаса, эртага унинг устидан ҳам хат келиши ва ўзи ҳам сўроқ бериб юришини билади. Махфий туҳматчи мана шу «механизм»ни сув қилиб ичиб юборган. Ҳатто ёзаётган одами жазо олмаган такдирда ҳам орада қанча сур-сур, дилсиёҳликлар бўлишини билади, ҳатто шуларни кўриб юради.

КЕЙИНГИ пайтларда матбуотдан маълум бўлдики, Одиловдек газанданиям «Одилов» қилган, уни «ҳокими мутлақ»лик даражасига кўтарган йўлларнинг бири — унинг анонимкавозлиги бўлган. У тузган «аппарат» унинг учун республиканинг барча таниқли кишилари тўғрисида маълумотлар тўпларди. Зарур вақтларда у ҳақиқат билан туҳматни бир-бирига қориштириб, керакли ташкилотларга имзосиз хатларни дастадаста қилиб жўнатарди. Булар энг юқори мартабали ходимни ҳам лавозимидан олиб ташлашга етиб ортарди. Натижада Одиловнинг таъсири шунчалик қучайиб кетдики, министр лавозимига даъвогар бўлган одам баъзан Ғурумсаройга «суҳбатдан ўтиш учун» йўл оларди. У қабулхонада бир неча кунлаб қолиб кетиши ҳам мумкин эди». Ана, анонимканинг «қудрати»!

Анонимвозлик — фақат хуфя хат ёзишнинг ўзигина эмас. Ҳаётимиздаги бошқа кўпгина, бир қараганда оддий бўлиб кўринган ишларда унинг совуқ шарпаси сезилиб туради. Чиндан ҳам баъзан одам ҳайрон бўлади! Ошкоралик ҳақидаги тўхтовсиз таъкидларимиз ҳали ҳам охир-оқибатда қуруқ гапга айланиб қолмасмикин, деб хавотирга тушасан. Масалан, нашриётлар ҳаётидаги оддий бир воқеа — қўлёзмаларни тақриздан ўтказиш масаласини олайлик. Шу ерда ҳам тақризчининг фамилияси, айниқса, салбий муносабат билдирилган тақризларда — анонимлигича қолади кўп ҳолларда. Бу биринчидан, тақризчининг масъулиятини умуман туширириб юборса, иккинчидан, мазкур қўлёзманинг ҳақиқий баҳосини аниқлашни қийинлаштиради. Ёки нашриёт планларини тузишдаги маҳфийлик-чи? План тузилаётган пайтда нашриёт ходимлари бамисоли разведкачиларга ўхшаб кетадилар. Кейин сирлар дунёсида юзага келган бу план юқори «доиралар» кўригидан ўтади. Шу билан тамом — ким ўтди, ким қолди, нима учун, ҳеч ким билмайди. Ҳатто давлат планлари умумхалқ муҳокамасидан ўтаётган бир пайтда нашриётлар, Ёзувчилар союзи ҳали бунга тайёр эмаслар. Бундай ўзбошимчалик (бошқача сўз топиш қийин) ва бундай махфийликдан, умуман, ўзи ким манфаатдор? Нима учун «Советский писатель» нашриётидаги сингари йилига бир бор планларни ошкора муҳокама қилиш мумкин эмас? Йўқ, ҳамма ишларни биз енг ичида қилишга одатланганмиз, шуниси осон!

Ёки Сибирь дарёларини жанубга буриш масаласи. Модомики, буюк дарёларни жанубий районларга оқизиш мумкин эмас экан, унда нега бу даражада тез суръатлар билан янги ерлар ўзлаштирилди? Оролни қуритиш учунми? Менимча, ҳеч ким бундай мақсадни қўймаган. Энди бу ёғи нима бўлади? Орол қуриса, иқлим ўзгарса? Деҳқончиликка, пахтачиликка мислсиз зарар етса, ҳаёт тарзи ўзгариб кетса?! Мен бу соҳадаги деярли ҳамма баҳсларни кузатиб бораман. Уларни ўқиб сочинг тикка бўлади: ҳақиқий айбдорни чироқ ёқиб тополмайсан! Бу ташкилот унисига, униси бунисига ташлайди айбни. Бу ерда ҳам ўша махфийлик айбдор. Айни ошкораликнинг йўқлиги, жамоат фикрини менсимаслик шу кунга олиб келди бизни. Бу ҳам ўша анонимнинг иши. Битта кабинетда, битта ё бир-иккита одам билан битган иш. Шунинг учун ҳам ўта хом, ўта зарарли иш.

Яна бир қизиқ ҳол. Иғвогар-ку, тушунарли: агар у дунёдаги ҳамма одамларни бир-бири билан уриштириб қўйганда, қанчалар теписига сиғмай қувонган бўларди. Лекин юмалоқ хатни холис текширишга даъват этилган айрим мутасаддиларнинг бирдан ўзгариб, бошқача бўлиб қолишлари кўпроқ ажаблантиради одамни. Бир қарашда улар сизни бутун умр билишади, бирга, ёнма-ён ишлагансиз, бирга ўсгансиз. Аммо бояги хатдан кейин... сиз уларга бегонасиз. Сиздан кўра ўша нопок қўллар ёзган қоғозга кўпроқ ишониларди. Анонимкага худди хазинадай топиниб, уни сейфдан олиб, сейфга солиб, асраб-авайлашарди. Нега шундай? Чунки биз «ўз шахсий фикримизни қадрламай қўйгандик — энг катта бахтсизлик ва кейинроқ юз берган ёмонликнинг илдизи шунда эди. Сўнгра баланд-парвоз иборалар таҳдиди кучаяверди» (Б. Пастернак). Бу бир жиҳати. Иккинчи жиҳати — яна мўътабар кишиларга мурожаат этмоқчиман — бир вақтлари И. А. Крилов ёзган экан: «Сизга очиғини айтайми: агар қўлингиздан келса, бемаъни хулқингизни ташлаб, ақл билан иш кўра бошланг — бундай ўзгаришдан биринчи навбатда сатирикларнинг ўзи хафа бўлиб кетишади. Чунки сиз уларнинг иштаҳа билан еб турган нонини яримта қиляпсиз».

Ривоятга кўра: қадимда бир вилоятда ғийбат, юмалоқ хат кўпайиб кетибди. Ҳокимнинг боши қотиб, «ҳар хил миш-миш, бўҳтон ёйиб юрганлар ушланиб, тили кесилсин» деб бўйруқ берибди. Ғийбат, юмалоқ хат барибир тўхтамабди. «Туҳмат хат ёзганларнинг қўли кесилсин!» Яна фойдаси бўлмабди. Ҳоким, азбаройи чорасизликдан, ўзи жуда ишонган, бошига қилич келганда ҳам тўғрисини айтадиган донишмандни чақириб, «энди нима қилайлик» деб йўл-йўриқ сўрабди. Донишманд бир зум ўйланиб туриб, «кўнглингизга келмасин-у, энди сизнинг қулоғингизни кесиш керак» деб жавоб қайтарган экан. Халқимизда яхши бир ибора бор: «Ўт балосидан, сув балосидан, бевақт ўлим ва қуруқ туҳматдан асра». Қаранг, юртинг наздини: туҳмат — ўт, сел, ажал билан баробар кучга эга экан! Мана, энди, ниҳоят, меҳнаткашларнинг, халқнинг истаклари назарга олиниб, анонимкавозлик қонундан ташқарида, деб эълон қилинди. Лекин давлатимизнинг бу инсонпарвар қарорини ичида ёқтирмай қабул қилганлар ҳам эҳтимол, орамизда бор бўлса керак. Шу сабабли биз зийрак туришимиз, туҳмат, ғийбат ёйиш, юмалоқ хат ёзишнинг ҳамма кўринишларига энди аёвсиз зарба беришимиз, ғаразгўй одамларнинг кирдикларини очиб, ҳар қандай мураккаб иш ва масалаларни ҳам ошкора ҳал этиш йўлини қарор топтиришимиз зарур. Ғийбат эшитишга суяги йўқ, шу «касб»га ихтисослашган кимсаларга эса доимо юқоридаги ривоятни эслатиб туришимиз керак. Буни биздан ҳозирги тиғиз, қайта қуриш даврими қатъият билан талаб этмоқда.

• *Мутахассис маслаҳати*

БЕДА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ—МУҲИМ ВАЗИФА

Беда — чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлаш, ерларнинг унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган қимматли экин. Шу сабабли уни етиштиришга доимо катта эътибор бериб келинган. Аммо етмишинчи-саксонинчи йилларга келиб пахта етиштиришни кўпайтириш баҳонасида беда экиладиган майдонлар кескин қисқартириб юборилди. Пахта монокультурага айланди. Чорвачиликни етарли миқдорда ем-хашак билан таъминлашда қийинчиликлар туғилди. Ана шу йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш мақсадида республика партия ва ҳукумати пахта-беда алмашлаб экишни йўлга қўйиш учун бедазорлар ҳажмини ошириш чораларини белгиладi.

Бу йил 219 минг гектар ерга беда экиш ва жами бедазорлар ҳажмини 720 минг гектарга етказиш мўлжалланган, Ана шу майдонлардан кўзда тутилган ҳосилни олиш учун беда экишни қулай агротехника муддатларида экиш муҳим аҳамият касб этади.

Беда уруғини экиш. Беда экиладиган майдон аввало яхши текисланган, зарур бўлса шўри ювилган, уруғликнинг тўла униб чиқиши учун етарли нам тўпланган бўлиши лозим. Экишдан олдин тупроққа ишлов бериш зоналарнинг тупроқ-иқлим шароитига қараб амалга оширилади. Куз ва қиш ойларида 150 — 200 миллиметр ёмғир-қор ёғадиган зоналарда куз чоғи ер шудгорлаб қўйилган бўлса, тупроқ етилиши билан сифатли бароналанади. Агар шудгор олдидан ўғит солинмаган бўлса, гектар бошига 120 — 150 килограмм фосфор, 60—75 килограмм калий солиш керак.

Шўри ювилган ёки запас суғориш ўтказилган ва тупроқ зичлашиб қолган жойларда ерларни бароналаш ўрнига чизеллаш ёки дискалаш зарур этилади. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области, Марказий Фарғонанинг кузда қалдамаган ерлари баҳорда 30—40 сантиметр чуқурликда шудгорланади ва 60 сантиметргача юмшатилади. Сўнгра тупроқ бароналаниб, молаланади.

Беда уруғини экишнинг энг яхши муддати жанубий районлар учун февраль-март, шимолий районлар учун март-апрель ойлари ҳисобланади. Бедани соф ҳолда экиш тавсия этилмайди. Чунки ёш ниҳолларни бегона ўт босиб, уларни бўғиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари шўрланган ерларда ҳарорат ортиши билан шўр юзага кўтарилади, тупроқда қатқалоқ пайдо бўлади.

Бедани судан ўти билан қўшиб экиш. Бундай экиш бир йилда экинни уч-тўрт маротаба ўриш ва гектаридан 500 — 800 центнер яшил масса олиш имконини беради. Беда ва судан ўти эрта баҳорда экилади. Гектар бошига 16 — 20 килограмм беда, 6 — 8 килограмм судан ўти уруғи сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Уруғлик 2 — 3 сантиметр чуқурликда экилади ва тупроқ шароитига қараб суғориш учун 60, 70, 90, 120 сантиметр кенгликда пушта олинади. Экиш олдидан ҳар гектар ер ҳисобига 40 — 50 килограмм азотли ўғитлар солинади. Яшил масса ўриб олингандан сўнг суғориш олдин ҳам шунча миқдорда азот солинади.

Бедани (яшил озуқа учун ўриб олиш мақсадида) бошоқли дон экинлари билан қўшиб экиш.

Беда ва бошоқли дон экинлари («Узбекский» арпа нави, «Ўзбекистон кенг барглиси» сули нави) уруғи аралаштириб, эрта баҳорда дон ва ўт уруғи экадиган сеялкалар ёрдамида экилади. Агар хўжаликларда шундай агрегатлар бўлмаса дастлаб бошоқли дон уруғи 5 — 6 сантиметр чуқурликда гектарига 30—40 килограмм нормада, сўнгра беда уруғи 1,5 — 2 сантиметр чуқурликда гектарига 16 — 18 килограмм нормада ташланади. Сўнгра суғориш учун эгатлар олинади.

Икки ва уч йиллик бедазорларни парвариш қилиш.

Икки ва уч йиллик бедазорлар парваришидаги асосий агротехник тадбирлар — бароналаш (икки йиллик бедазорларни), дискалаш (уч йиллик бедазорларни), минерал ўғит билан озиқлантириш, суғориш, бегона ўт, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ва ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ҳисобланади.

Фосфорли ва калийли ўғитлар йиллик нормасининг ҳаммаси бедазорларга бароналаш ва дискалаш олдидан солинади. Азотли ўғитлар билан озиқлантириш эса ҳар бир ўримдан кейин гектар бошига 30-35 килограмм ҳисобидан амалга оширилади. Бу ҳар бир ўримда яшил массанинг 30-40 центнер ёки пичаннинг 10 — 15 центнер ортишини таъминлайди. Одатда беда икки ўрим оралиғида бир маротаба суғорилади. Аммо шу муддатда икки маротаба суғориш ҳосилдорликнинг гектарига 40-45 центнер ортишини таъминлайди. Бедазорлар икки маротаба суғорилганда биринчи сувни ўримдан 4 —5 кун ўтгач, иккинчи сувни ўримга 7 — 8 кун қолганда бериш тавсия этилади.

Энг кўп озуқа бирлиги ва ҳазм бўладиган протеин олиш учун бедани ўришга шоналаш пайтида киришиш ва ўримни гуллаш арафасида тугаллаш лозим. Бу қўшимча ўрим олиш ва вегетация даври давомида фермаларга яшил озуқанинг узлуксиз келиб туришини таъминлайди. Юқорида айтиб ўтилган муддатда ўриб олинган яшил озуқа, ундан тайёрланган пичан, сенаж, пичан уни тўйимлилиги билан ажралиб туради ва уларни моллар ишхўрдга чиқармасдан ейди.

Лекин беда мунтазам равишда эрта ўрилса ўсимлик пластик моддалар запасини тиклолмай қолади, заифлашади ва келаси йили ҳосилдорликни ҳамда тупроқда азот тўпланишини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Шунинг учун беданинг бир ўрминни гуллашгача олиб бориш ва эрта ўрилган бедазорларни кечроқ ўрилгани билан алмаштириб туриш тавсия этилади.

Бедазорларни ремонт қилиш. Агар қандайдир сабабларга кўра бедазорлар хато бўлиб қолган бўлса, унинг ўрнини тўлдиришга эътибор бериш керак. Хато жойларни йўқотиш учун кузда ҳар гектар ерга 40-50 килограмм тритикале ёки жавдар экиш мақсадга мувофиқдир. Куз ва қиш ойларида молларни бедазорларда боқиш ҳам пайкаллар самарадорлигининг пасайиб кетишига олиб келади. Моллар бедазорларни топташи билан бир қаторда ўсимликнинг бир қисмини суғуриб олади. Бундан ташқари ер ҳам зичлашиб, ўсимликнинг нормал ўсишига имкон бермайди.

Бедани пичан учун ўриб олиш. Беда ўриб олингач, бир неча муддат қолдирилади. Кейин намлиги 35-40 процентга етгач, йиғиштириб тўпланади. Намлиги 30 процентга етганда уюм-уюм қилиб қўйилади ва беда бу ерда тўла қурийди. Сўнгра сақланадиган жойга ташиб келтирилади ва ғарамланади. Ғарамлар устини бризент ёки пленка билан ёпиб қўйиш даркор.

Бедани актив шамоллатиш орқали пичан тайёрлаш энг маъқул усулдир. Шундай қилинса, унинг барг ва поялари нисбати ўрилганда қандай бўлса, шундайлигича қолади. Бундай пичанда витамин ва коротин миқдори кўп бўлади, тўйимлилиги далада қуритилганига нисбатан 15 — 20 процент ортади.

Бедани сенаж учун ўриб олиш. Ўриш, намлиги 50—55 процентга етгунча қуритиш, тўплаш, йиғиштириб олиш, майдалаш ва транспортга ортиш, ўраларга бостириш, уни яхшилаб зичлаш ва 2 — 3 кундан сўнг устини пленка ва тупроқ билан ёпиш сенаж тайёрлаш технологиясини ташкил этади. Бундай технологияда сенаж яхши консервация бўлади, озуқа моддаларининг йўқотилиши бедани пичан қилгандагига қараганда 1,5 — 2 маротаба камаяди. Чунки ўсимликнинг энг қимматли қисми бўлган барги, гулбарглари тўла сақланади.

Бедадан юқори ва аъло сифатли ҳосил олишнинг катта резерваларидан бири касаллик ва зараркунандаларга қарши эрта баҳорда, қўнғизларнинг қишдан оммавий чиқиши пайтида химиявий препаратлар ёрдамида кураш олиб боришдир.

Маълумотларга кўра 1987 йил кузида бедазорларда қишловчи қўнғизлар сони ҳар квадрат метр ерда ўртача 0,8 дан 2,5 тагача бўлганлигини кўрсатмоқда. Демак, ҳозир улар оммавий кўпайиш мумкин. Фақат зараркунандалар ўчоғини ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши зудлик билан таъсирчан чоралар кўриш орқалигина беда ҳосилдорлиги пасайиб кетишининг олдини олиш мумкин.

Ҳосили яшил масса сифатида молларга едирилиши мўлжалланган бедазорларга химиявий дорилар билан ишлов беришга асло йўл қўймаслик лозим. Шундай майдонлар қаттиқ зарарланган бўлса, ҳосилни муддатидан илгари ўриб олиш, сўнгра минерал ўғит солиш ва бостириб суғориш керак.

Зараркунандаларни механик тарзда йўқотиш ҳам катта аҳамият касб этади. Бунинг учун баҳорги бароналаш ва дискалаш ишларини икки маротаба сифатли бажариш талаб этилади. Агар кўкламда ёғингарчиликлар бўлмаса, бедазорларни албатта суғориш даркор. Бу тадбир қишловчи қўнғизларнинг 30-40 процентини йўқотишга имкон беради. Бедани ўз вақтида, қисқа муддатда ўриб олиш ва ўримни ўсимлик илдизига яқин 5-6 сантиметр қолдириб адо этиш ҳам зараркунандаларнинг камайишига олиб келади.

Бу йил экилган уруғни тўла ундириб олиш ва унинг баравж ривожланишини таъминлаш учун:

Алмашлаб экиш майдонларига беда экканда унинг иложи борича эски бедазорлардан йироқ бўлишига эришиш керак. Агар янги бедазорлар билан эскилари ўртасида 1,5-2 километр масофа бўлса зараркунандаларнинг бир майдондан иккинчисига ўтиши қийинлашади.

Янги униб чиқаётган ўсимлик чириб кетишининг олдини олиш учун уруғликни 80 процентли ТМТД (бир центнерга 300-400 грамм) препарати билан дорилаш тавсия этилади.

Бедани сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалардан сақлаш мақсадида беда уруғига экиш олдидан 1,6 процентли гранулли фосфамид аралаштириш керак.

Агар экин майдонларида ўсимлик униб чиққач зараркунандалар пайдо бўлса, зарур препаратлар ёрдамида дарҳол ишлов бериш лозим. Хўжаликларда ана шу тавсияларга амал қилиш беда ҳосилдорлиги ва уруғини кўпайтириш имконини беради.

Ю. ШКРЯБИН,
республика Давлат агросаноат комитети озуқа экинлари етиштириш ва яйловлар бошқармаси бошлиғи.

27 МАРТ — ХОТИРА КУНИ

Устозга таъзим

Мен ўз ҳаётимда жуда кўп кишилар билан учрашганман, уларнинг ҳар бири бир олам. Хотирамда ажойиб инсон — Арон Рибиевич Саидов образи сақланиб қолган.

Биз у киши билан биринчи марта 1932 йилда Конимех районида учрашганмиз. Ўша пайтда мен «Меваи Октябрь» колхози ҳузуридаги мактабда ўқитувчилик қилардим. Саидов эса Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг маҳаллий яҳудий тилида чиқадиган органи «Байроғи Меҳнат» («Меҳнат Байроғи») газетасининг биринчи муҳаррири эди. Арон Рибиевич районга Марказий Комитетнинг вакили сифатида маҳаллий яҳудий меҳнаткашларини колхозга жалб этиш юзасидан оммавий тушунтириш ишларини ўтказиш учун келган эди. У одамларнинг ҳаёти ва турмуши билан астойдил қизиқди, улар билан суҳбатлашди. Саволларга жавоб қайтарди, маслаҳатлар берди. Менга у ўзи редактор бўлган газетага тез-тез хабар ёзиб туришни маслаҳат берди.

Ўша пайтдан бери 50 йил вақт ўтди, аммо мен газетада 25 сатрли дастлабки хабарим чиққанини ҳамон ҳаяжон ила эслайман.

Арон Рибиевич биргина мени эмас, балки бошқа кўпгина ишчи мухбирларга ҳам қунт билан қандай ёзиш кераклигини, фактларни танлашда нималарга кўпроқ эътибор беришни, материалда фактларни қандай таҳлил қилишни ўргатди. Катта қалб эгаси, принципиал коммунист, талантли журналист А. Саидовнинг Ўзбекистонда миллий матбуотнинг ривожлантиришдаги хизмати катта эди.

Кейинчалик ҳам мен Арон Рибиевич билан кўп марта учрашдим ва ҳар гал унинг ғайрати, самимиятига таъзим этардим. У билан ҳар қандай масала юзасидан маслаҳатлашиш, қувонч ва ташвишларни ўртоқлашиш мумкин эди. У ҳамиша кайфиятингни кўтариб, янги куч ва илҳом бағишлай оларди. Шунинг учун ҳам уни ҳаммамиз севар ва ҳурмат қилардик.

А. Саидов бутун умри бўйи партиянинг актив жангчиси бўлиб, масъулиятли участкаларга бошчилик қилди. Самарқанд область комсомол комитетида, «Байроғи Меҳнат» газетаси редакциясида, яҳудийлар ва майда миллатлар меҳнаткашларини ер билан таъминлаш комитетида ишлади. Шарқ халқларининг Коммунистик университетида ва Я. М. Свердлов номли Коммунистик журналистика мактабида ўқиди. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг масъул ходими бўлди.

Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» бирлашган нашриёти коллективига бошчилик қилди. Истеъдодли ташкилотчи, ишга садоқатли раҳбар бўлган Саидов полиграфия базасини ривожлантиришга, республика полиграфия кадрларини тарбиялашга катта ҳисса қўшди.

Арон Рибиевичнинг ҳаёти ва фаолияти ёш авлод учун ибратлидир. У билан ёнма-ён яшаган ва ишлаган биз, кекса авлодга мансуб кишилар катта ўртоғимиз, устозимиз хотирасини муқаддас сақлаймиз, чунки қалбимизда ўчмас из қолдирган.

Тошкент кўчаларидан бири унинг номига қўйилган. А. Саидов туғилганига 85 йил тўлган ҳозирги кунларда унинг номи билан аталган кўчадан ўтиб бораётган замондошларимиз партия ва халқнинг содиқ фарзанди хотирасини алоҳида ҳурмат билан эсга оладилар.

Е. МОРДУХАЕВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

• Мусобақа арафасида

БЕҚАРОРЛИК ОҚИБАТИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» марафонча югуриш ва юриш ЯЙПАН-88

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси марафончилари совриндорлик учун кураш мусобақасида қатнашишни биринчи бўлиб бошлаган командалардан. Улар Чирчиқ ва Жиззах шаҳарларида муваффақиятли қатнашган эдилар. Боиси, ўша кезларда андижонлик енгил атлетика мураббийси — республикада хизмат кўрсатган тренер Р. Сайфуллин қорақалпоқ ёшларига устозлик қилишни оталигига олиб, ишни жонлантирган эди. Афсуски, бундай хайрли ишнинг давомчилари ҳам, моҳир спортчиларнинг издошлари ҳам топилмади. Оқибатда Қорақалпоғистон марафончилари ҳаракатида сусткашлик рўй берди. Мусобақаларда қатнашмай ёки охирги ўринларни эгаллаш билан кифояланиляпти.

Икки йил аввал газета соврини учун мусобақаларнинг доимий иштирокчиларидан бири, тажрибали марафончи Тоир Темировни Қорақалпоғистонга таклиф этишди. Ишлар яна йўлга қўйилди. Ўтган йили Бухорода ўтказилган совриндорлик баҳсида автоном республика марафончилари ўз группаларида биринчи бўлишди. Бу йил эса югурувчи ва юрувчиларга яна устоз топилмай турибди. Биз бунинг сабаблари ҳақида ҚҚАССР Давлат физкультура-спорт комитети ўқув спорт бўлими мудири Г. Найбауэр билан суҳбатлашдик.

— Тўғри, бизда тренерлар етишмайди. Шунинг учун ҳам енгил атлетика, хусусан, марафонча югуриш ва спортча юришни ривожлантиришда сусткашлик ҳукмрон. Шунга қарамай югурувчиларни тўплаш, машқ ўтказишга эътиборни кучайтиряпмиз. Улардан кучлиларни саралаб, Яйпанга жўнатиш ниятимиз бор. Ҳозирча 9 нафар йигит-қиз машқларга зўр беришяпти. Шулардан 5 кишининг натижалари дуруст бўлади, деб ўйлаймиз.

Суҳбатдан қўринриб турибдики, автоном республикада марафончиларни тарбиялаш ёмон аҳволда. Неча йиллардан бери давом этиб келаётган тренер топиш муаммосини ҳал этиш, вақти етмадимикин? Наҳотки спортнинг қизиқарли турларидан ҳисобланган олис масофага югуриш ва юриш ихлосмандларини тўплаш, тарбиялаш ва улардан етук спортчиларни камол топтириш ҳақида қайғурадиган киши топилмаса? Бу ҳақда Қорақалпоғистон Автоном Республикаси партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Сифатли маҳсулот элга манзур

✦ Жиззах шаҳридаги бадиий кулолчилик фабрикаси меҳнат аҳли сифатли маҳсулот тайёрлаш учун курашаётир. Бу ерда 50 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Суратларда: Жиззах шаҳар Совети депутати Муҳаббат Салимова (юқорида); тайёр маҳсулотлар туркуми.

У. Қўшвоқов фотолари.

• Хат йўлга чорлади

«БЕЗОВТА ҚИЛМАНГЛАР, ИШСИЗ ҚОЛАМАН!»

Январь ойининг ўрталари эди. Редакцияга бир йигит ийманибгина кириб келди. Бетобligи, бунинг устига уни кимлардир қаттиқ ранжитгани яққол қўриниб турарди.

— Бормаган жойим кам қолди, — дея сўз бошлади у. — Ёрдам беринглар, қийналиб кетдим. Ҳамма гап мана шу хатда ёзилган.

У икки варақдан иборат арзномани узатди. Унда мана шу сўзлар битилган эди:

«Мен Абдуқодиров Карим 1954 йилда туғилганман. 1980 йилдан КПСС аъзосиман. Янгийўл озиқ-овқат техникумини битирганман. Ўсимликлар ёғи технологияси бўйича мутахассисман. 1974 йилдан буён Янгийўл ёғ-мой комбинатида ишлайман. Ёрдамчи аппаратчиликдан смена технологи вазифасигача кўтарилганман. Шу вақт ичида қатор фахрий ёрлиқлар билан мукофотландим.

Ишим энди авж олган пайтда, яъни 1986 йилнинг июнида қутилмаганда тобим қочиб қолди. Тўрт ой касалхонада даволандим. Афсуски, соғлиғим батамом тикланмади. Шифокорлар саломатлигимга мос келадиган жойда ишлашим кераклигини маслаҳат беришди. Бу ҳақда ҳужжатим ҳам бор. Икки хил касаллиқ бўйича ҳисобда тураман. Корхонамиз раҳбарларига учрашган эдим, енгилроқ вазифага ўтказишди. Техника бўлимида рационализаторлиқ таклифлари бўйича инженер-конструктор бўлиб ишлай бошладим. Афсуски, ўзимга маъқул келган бу вазифада узоқ тура олмадим. Штат қисқартирилди, деб мени саломатлигимга тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказишди. Директоримиз М. Худоёров ҳеч иккиланмай бунга рози бўлди. Мен у кишидан «Бошқа иш беринг», — деб сўрадим. Корхонамиздаги бошқа раҳбар ўртоқларга ҳам бу ҳақда илтимос қилдим. Натижа чиқмади. Кейин Янгийўл шаҳар партия комитетига, шаҳар халқ контроли комитетига, прокуратурага мурожаат этдим. Ҳеч ким арзимга қулоқ солмади. «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман», — деганларича бор экан. Янгийўл ёғ-мой комбинатида ўн уч йил ишлаб қўрган ҳурмат-эътиборим шу бўлди. Ахир, мен шу ерда саломатлигимни йўқотдим-ку! Наҳотки, корхонамиз раҳбарлари шуни тушунишмаса?!»

...Биз мазкур ёғ-мой комбинати директори М. Худоёровнинг кабинетидамиз. У шикоят хатни тезгина ўқиб чиқди-да, масъул лавозимдаги бир неча кишига кетмакет телефон қилди.

— Ҳозироқ ҳал қиламиз, — деб қўйди бизга қараб директор.

Орадан кўп ўтмай кабинетга чақиртирилган кишилар етиб келишди. Директор бизни улар билан таништирди:

— Н. Д. Сташенко — кадрлар бўлими бошлиғи, Ф. Р. Мирзатуллаева — партбюро секретари, Л. Н. Жданова — касаба союз комитети раиси, М. Р. Матюшечкина — техника бўлими бошлиғи, Н. Г. Чикова — участка врачи.

Шундан сўнг М. Худоёров йиғилган ўртоқларни шикоят хати мазмуни билан таништирди ва бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини айтишларини сўради. Ачинарли жойи шундаки, олти кишидан бирортаси ҳам Карим Абдуқодиров ҳақида турли важ-корсонлар айтишдан нарига ўтмади. Тўғрироғи, комбинат раҳбарлари унга ёрдам беришни очиқдан-очиқ исташмади.

Куни кеча Карим Абдуқодировдан тағин хат олдик. Унда, жумладан, бундай дейилади: «Сизларга мурожаат этиб, «ёзувчи» номини олдим, менинг раҳбарларимни яна безовта қилиб юрманглар, чунки ишсиз қолишим ҳам мумкин»...

Ҳурматли Карим Абдуқодиров! Сиз излаган ҳақиқат бор. У яқин кунлар ичида рўёбга чиқади. Яна шунга аминмизки, шунча вақт масалани ҳал қилмаган раҳбарлар ҳам юқори партия ташкилоти олдида изза бўлишса керак.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

• Кашандалик — умр заволи

БУТУН ЖАҲОН ЦИБАТИЯГА ҚАРШИ

Қариб бир йил муқаддам — 1987 йилнинг 7 апрелида Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимлари рамзий маросимни ўтказишди. Улар иш кабинетларидан кулдонларни улоқтириб ташлашди ва ташкилотнинг Женевадаги қароргоҳи коридорларида чекиш тақиқланганлигини эълон қилишди. Шу тариқа улар инсоннинг ўнлаб ҳаётлар ва ана шу зарарли одатга нисбатан ўз муносабатларини намойиш этишди.

... Ҳаммаси Жан Нико деган кимсанинг Франция қироли Франциск II га Гаитида ўсадиган цибатия ўсимлигини, оддий қилиб айтганда, тамакини совға қилганидан кейин бошланди. Бу эса тахминларга кўра 1559 йилда рўй берган. Тез орада одамлар чекишга ружу қўйишди. Натижада ҳар йили жаҳонда кашандалик келтириб чиқарган касалликлардан салкам ярим миллион кишининг ёстиғи қуримоқда. Сўнгги ўн йилликда халқаро жамоатчилик хавфни тўла англади ва чекишга қарши курашни бошлаб юборди.

Қўшма Штатларда, масалан, 70-йилларнинг бошларидаёқ телевидение ва радио орқали сигареталарни реклама қилиш тўхтатилди. Мамлакатда чекишнинг зарарли оқибатлари ҳақида огоҳлантириш ёзиб қўйилишини кўзда тутувчи қонун қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш муассасалари зарарли одатдан қутулмоқчи бўлган кишиларга махсус гипноз сеанслари ва игна санчиш, новакаин ёки витаминлардан укол қилиш, никотинли сақичлар, доривор ўтларни таклиф этмоқда. 10 штатда эса жамоат жойларида чекишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинган. Америка корпорацияларининг салкам 30 процанти ходимларнинг иш жойида чекишини чеклаган. Соғлиқни сақлаш Миллий марказининг прогнозига мувофиқ икки йил мобайнида бу рақам 80 процентга ўсади. Бу прогноз тўғри чиқиши мутлақо мумкин — чекмайдиган ходимлар кўпроқ фойда келтиради, улар ўз вазифаларини бажаришда чалғимайди, самарали ишлашади, кам касал бўлишади.

Шу билан бирга Қўшма Штатларда жамоатчилик фикрини тамаки маҳсулотлари фойдасига шакллантириш кампаниясига ҳамон яхши ҳақ тўланмоқда. Бутун мамлакат бўйлаб чекишга бўлган чеклашлар билан қандай курашиш ҳақида тавсия берувчи китоблар жўнатилмоқда. Баъзилар 1984 йилдан 1986 йилгача газета ва журналларда даромадлар 25 процент ёки 250 миллион долларга қисқаргандан хурсанд эмас.

Яқинда Австриянинг «Лауда-эйр» авиакомпанияси Венадан Сидней ва Гонконггача учадиган кўпгина самолётларга фақат чекмайдиган йўловчилар қўйилишини эълон қилди. Компаниянинг ҳисоб-китобларига кўра, у бир чекувчи йўловчини йўқотиб, иккита чекмайдиган йўловчига эга бўларкан. Дарвоқе Финляндиянинг «Финнэйр» авиакомпанияси Европада биринчи бўлиб йўловчиларнинг чекишини тақиқлаган эди.

Тамаки маҳсулотларининг нархини ошириш керакми (Францияда ўтган йилнинг 1 апрелидан бошлаб тамаки нархи 10 процентга кўтарилди)? Ёки бўлмаса, кашандалик зарари ҳақида ҳикоя қилувчи махсус рекламалар намойиш этиш керакмикан? Айтгандай, уни кўлда сигарета билан кўриш мумкин. Хўш, қай бири самаралироқ?

Инглиз кашандаларига ўз одатлари учун ҳақ тўлашлари таклиф қилинмоқда. «Чекувчи инглизларни соғлиқни сақлаш давлат системаси учун харажатларни қоплашга мажбур этиш керак», — деб ҳисоблайди Буюк Британия Қироллик медицина коллежининг президенти Р. Хоффенберг.

Швейцарияда уч йилдан бўён «Чекмаслик куни» кампанияси ўтказилмоқда. Мамлакатда чекишни ташламоқчи бўлганлар группалари ташкил этилган. Мавжуд махсус телефон хизматлари кашандаликни қандай қилиб тезда ташлаш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар бермоқда, «ҳақиқат йўлига» ўтганларнинг кўнглини кўтаряпти.

Аргентинада ноябрь кунларининг бири Тоза ҳаво куни деб эълон қилинган. Шу куни радио ва телевидение орқали чекиш зарари ҳақидаги эшиттириш ва кўрсатувлар берилади. Кашандалар ўз саломатликларигагина эмас, балки ёнатрофдагиларнинг соғлигига ҳам хавф туғдираётганликлари таъкидланади.

Сингапур давлат муассасаларининг кашандалари сезиларли зарбага учради, дейиш мумкин — ҳукумат иш жойларидагина эмас, балки коридорларда, зинапоя майдончаларида ва ҳожатхоналарда ҳам чекишни тақиқлади. Айни вақтда барлар ва кафеларда тамаки маҳсулотларини сотиш ҳам ман этилди.

Ослодаги ресторанларданбирининг эгаси фақат чекмайдиганлар учун унинг муассасаси очиқ эканлигини жорий этди. «Холис ниятдагилар»нинг башоратига хилоф равишда ресторан мижозларни йўқотгани йўқ, аксинча, уларнинг сони кам чекадиганлар ҳисобига кўпайди. Рикстаг (Норвегия парламенти)га кўриб чиқишга тақдим этилган қонун лойиҳасига кўра ресторанлар, кафелардаги барча ўринларнинг учдан бири, шунингдек меҳмонхоналар ва мотеллардаги номерларнинг учдан бири тамаки тутунини ёмон кўрадиган кишиларга берилади. Бунинг устига, энди сигарета билан муассасаларда, транспортда, вокзалларда ва бошқа жамоат жойларида пайдо бўлиш тақиқланади.

Ҳатто бегона ғояларни ташвиқ этаётган матбуот ҳам улар билан шунчалик машғул бўлиб кетди ва ўз «починини»ни маълум қилди. Канададаги «Глоб энди мейл», «Торонто стар» газеталари редакциялари, Канадиан Пресс агентлиги бўлимлари ходимлари чекишдан воз кечишди ва никотинга қарши курашга қўшилдилар.

Кўриб турибсизки, чекишга қарши ҳамма йўналишда кураш олиб борилмоқда. Мутахассислар соғлом турмуш тарзи учун шароитлар яратишни энг асосий вазифа деб ҳисоблаяптилар. Бунда Венгриянинг соғлиқни сақлаш программасидан ўрнак олса арзийди. Ундан мақсад иложи борича кенг оммани спорт билан актив шуғулланишга жалб этишдир. Бунинг учун яқинда мамлакатда Ёшлар ва спорт ишлари бўйича махсус бошқарма тузилди.

Чехословакияда ҳам кашандалик билан енгил бўлмаган курашда муваффақиятга умид қилинмоқда. Қўйилган вазифа конкрет — 2000 йилгача барча туғилганлар (уларнинг сони 3 миллион кишини ташкил этиши керак) ҳеч қачон қўлига сигарета олмаслигига эришиш керак.

Бир йилдан кўпроқ муқаддам Кубада ҳам чекишга қарши умумхалқ кураши бошланди. Натижада — «ўрта статистик» кубалик йилига 15 қути сигарета кам чека бошлаган. Куба машқур сигарасининг оммавийлиги тушиб кетди.

Кашандалик душманлари кўп йиллардан буён тамаки маҳсулотлари монополиялари билан тенг бўлмаган кураш олиб бораётир. Ҳозир уларнинг қўли аста-секин баланд келаётганлиги умид туғдирмоқда. «Биз 2000-йилга заҳарли тамаки тутунисиз қадам қўйишимиз керак»,— деб таъкидланади ўтган йил охирида Токиода бўлиб ўтган тамаки ва сиҳатсаломатлик муаммолари бўйича халқаро анжуман резолюциясида.

С. БАКУЛИНА.
(АПН).

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ишдан ажралган ва ишдан ажралмаган ҳолда
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
1988 йил учун
АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси, физик электроника, шу жумладан квантли, қаттиқ жисм физикаси, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, полимерлар физикаси ва механикаси, органик химия, юксак молекулали бирикмалар химияси, коллоид химия, умумий ва регионал геология, геология, рудали ва норуда қазилма конларини ишлаш ва разведка қилиш, машиналарда ишқаланиш ва ейилиш, машинасозлик технологияси (соҳалар бўйича), механизм ва машиналар назарияси, механик ва физикавий-химиявий ишлов бериш жараёнлари, станоклар ва асбоблар, пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси ва машиналари, совутиш ва криоген техникаси ҳамда кондициялаш системаларининг машиналари ва агрегатлари, нефтни қайта ишлаш ва химия ишлаб чиқариши машиналари ва агрегатлари, электр машиналари, электр асбоб-ускуналари (соҳалар бўйича), электр техниканинг назарий асослари, материаллар ва буюмларни назорат қилиш асбоблари ва методлари, техника системаларида бошқарув, ҳисоблаш техникаси ва бошқарув системалари элементлари ва қурилмалари, бошқарувнинг автоматлаштирилган системалари (соҳалар бўйича), технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (соҳалар бўйича), электр станциялари (электр қисми), тармоқлар ва системалар, уларни бошқариш, саноат иссиқлик энергетикаси, нефтьгаз конларини қудуқлар қазиш йўли билан ўрганиш, ноорганик моддалар технологияси, оғир (ёки асосий) органик синтез маҳсулотлари технологияси, пластик массалар ва ойна пластиклари технологияси ва уларни қайта ишлаш, силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси, ёғлар, эфир мойлари ва парфюмерия-косметика маҳсулотлари технологияси, алкоголли ва алкоголсиз ичимликларни ачитиш йўли билан ишлаб чиқариш технологияси, озиқ-овқат ишлаб чиқариши жараёнлари ва аппаратлари, қишлоқ хўжалик ва гидромелиорация машиналари, ёғочсозлик ишлаб чиқаришида ёғочни қайта ишлаш ускуналари технологияси, қурилиш конструкциялари, пойдеворлар, асослар, қурилиш материаллари ва буюмлари, геодезия, қурилишни планлаштириш ва уни бошқаришни ташкил этиш экономикаси, архитектура назарияси ва тарихи, бинолар ва иншоотлар архитектураси.

АРИЗАЛАР 1988 ЙИЛ 1 АПРЕЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари февраль ойидан 15 июнгача қабул қилиниб, аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари программаси ҳажмида — марксизм-ленинизм, чет тиллари (инглиз, немис, француз) ва махсус фандан имтиҳон топширадилар.

Аспирантурага қабул қилинган бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

ҲУЖЖАТЛАР (зачёт дафтарчасидан кўчирма билан бирга диплом нусхаси, характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол ва 2 дона фотосурат (3x4 ва 4x6). КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИГА ҚЎЙИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗА БИЛАН БИРГА РЕКТОР НОМИГА ҚЎЙИДАГИ АДРЕСГА ЮБОРИЛСИН: Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 13-уй, аспирантура бўлими. Телефон 41-15-70.

5 ЁШДА—АВТОМОБИЛЬ КОНСТРУКТОРИ!

АГАРДА СИЗ ЎЗ ФАРЗАНДИНГИЗНИ КИЧИК ЁШИДАН УСТАЧИЛИККА ЎРГАТАМАН ДЕСАНГИЗ, УНИ ҲАР БИР НАРСАНИ БУЗИШГА ЭМАС, ЯРАТИШГА, ТУЗАТИШГА ҚУНИКТИРАМАН ДЕСАНГИЗ УНГА «А-01» БОЛАЛАР АВТОКОНСТРУКТОРИНИ

СОТИБ ОЛИБ БЕРИНГ.

Бу ўйин металл ва пластмасса деталларидан иборат бўлиб, уларнинг ёрдамида автомобилларнинг турли моделларини йиғиш мумкин.

Автоконструктор 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларда ижодий қобилиятни ўстириш, асбоблардан фойдаланиб конструкциялар яратишни ўрганишда ёрдам беради.

Баҳоси 9 сўм 50 тийин.

«РАДИОТЕХНИКА» ЦРКО.
«ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/III да кичик эксперименталсаҳнада **Она қалби** (17.00), **Севгига севги билан** (19.00), 19/III да **Флория Тоска.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/III да **Хотиннинг эри**, 19/III да **Ҳийлаи шаръий.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакиллигининг раҳбарияти, партия бюроси ва касаба союз комитети масъул ходим Р. Р. Алимовга онаси

Сора Абдураҳмоновна АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек давлат музикали театри коллективи театр директори Б. Н. Насриддиновга отаси

Насриддин ШАРАФҚОРИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — А. Борин. «Объектив шарорт». Фильм-спектакль. 11.00 — Фидойи шахслар 11.45 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Тажриба, муаммолар, мулоҳазалар. 17.00— Нега ва нима учун? 17.30 — Украина телевиденнесининг программаси. 18.25 — Мультфильмлар. 18.55 — Москва области қишлоқ пудрати вакиллари — меҳмонимиз. 20.25 — Дунё воқеалари. 20.45 — Британия билан учрашувлар. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Детектив ўйини. 22.45 — Хотиралар билан яшашимизга ҳали эрта. 23.30 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Музика. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — Тарих. 11.35 — География. 12.05 — Инглиз тили. 13.05 — Ҳужжатли фильмлар. 13.40 — Ёшлигимиз қўшиқлари. Фильм-концерт. 14.10 — Табиат билан ҳамжиҳатликда. 14.40 — Янгиликлар. 14.50 — «Виждон». Бадиий фильм. 5-серия. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Саёҳатчилар клуби. 20.00 — Дўстимнинг адреси. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Очиқ рояль. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Совет Армияси Марказий уйида шеърият кечаси. 23.15 — Янгиликлар.

• Тингланг, томоша қилинг

18 МАРТ, ЖУМА

ЎзТВ-I. 7.00 — «Ассалому алайкум». 16.45 — Физика. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Эстетика асослари. 18.05 — Киноалавҳа. 18.10 — Париж Коммунаси кунига. 18.25 — Санъатдаги умр. 19.20 — Комсомол прожектори. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қайта қуриш муаммолари ва изланишлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Оламга саёҳат. 23.10 — Бугун оламда нима гап?

ЎзТВ-II. 19.40 — Совет Иттифоқи бўйлаб. 20.20 — «Стратион қизи». Бадиий фильм. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «222-рейс». Бадиий фильм, 2-серия.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — Чолғу куйлари. 9.45 — Халқ контроли радиопости. 10.15 — Тинчлик мадҳияси. 12.10 — Мелиоратор. 12.30 — М. Собирова ва А. Алимов куйлайди. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Н. Чурадаева куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Париж Коммунаси кунига. 15.50 — «Чиннигул» болалар хори ижро этади. 16.00 — Дўстларимиз овози. 18.15 — Маданият муассасаси: муаммолар ва истиқболлар. 18.30 — М. Бафоев. Рубоб ва оркестр учун поэма. 18.40 — Инсон ва қонун. 19.20 — Оғонёк. 20.15 — Ижтимоий фанлар ва ҳозирги замоннинг актуал масалалари. 20.30 — Бир қўшиқ тарихи. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 23.10 — Бугун радиотеатрда.

Р. — 08606. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. — 64. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12